Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **8** июнь, жума № **23** (2202).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **8** июня, **2007** год, № **23** (2202).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

Мустақиллик – бу аввало ҳуқуқдир. Яъни ҳар қайси халқ ва жамиятнинг ўз кучи ва қудратига суяниб, ота-боболарининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир.

Ислом КАРИМОВ

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 июнь куни Оқсаройда Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифани қабул қилди.

– Сизнинг ташрифингиз Баҳрайн Подшоҳлиги ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга илк ташрифи эканлиги билан ҳам муҳимдир, – деди давлатимиз раҳбари. – Ўзбекистон учун араб давлатлари билан муносабатлар устувор саналади. Шу маънода Баҳрайн билан ҳамкорлик биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон билан Баҳрайн ўртасида 1992 йилда дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида сиёсий ҳамкорлик қилиб келади. Ташқи сиёсат маҳкамаларининг маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Бу халқаро майдонда мамлакатларимиз бир-бирининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлашига хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, томонлар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланаяпти, деб бўлмайди. 1997 йилнинг февраль ойида Баҳрайн нефть ва саноат вазири раҳбарлигидаги савдо-иқтисодий делегация Ўзбекистонга ташриф буюрганида ўзаро ахборот алмашиш масалалари ҳам алоҳида муҳокама қилинган эди. Шу мақсадда делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ташқи ишлар ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликларида музокара ўтказган эдилар.

Мутахассисларнинг фикрича, юртимизга Баҳрайн сармоясини жалб этиш, Ўзбекистондан у ёққа мева ва полиз маҳсулотлари экспорт қилиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар тузиш ва сайёҳлик – ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари саналади.

Ўзбекистон ва Баҳрайн гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантириш бўйича улкан имкониятларга эга. Мамлакатларимиз олимлари, маданият ва санъат намояндалари, спортчилар ўртасидаги ҳамкорлик халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилиши табиий.

Бир неча йил аввал Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Тадбиркор аёллар уюшмаси делегацияси Манамада ўтказиладиган йиллик хайрия бозорида қатнашди. Унда халқимиз амалий санъати буюмлари ва рассомларимизнинг асарлари намойиш қилинди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан Баҳрайн Оналар ва болаларни ҳимоя қилиш жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги англашув протоколи имзоланган.

Оқсаройдаги учрашувда Шайх Холид бин Аҳмад бин Муҳаммад Ол-Халифа Ўзбекистонга ташрифи самарали кечаётганини, музокараларда ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидлади. ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишида Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, мамлакатимизнинг тинчликпарварлик сиёсати муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Подшоҳлиги ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Посбон учун синовдир ҳар кун

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июнь куни Оқсаройда Кувайт Давлати Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳни қабул қилди.

– Биз сизни нафақат Кувайт Бош вазирининг ўринбосари, балки етук давлат арбоби, мамлакат иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган иқтисодчи олим сифатида ҳам яхши биламиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Кувайт нафақат ўз минтақасида, балки дунё миқёсида ҳам катта салоҳиятга эга, жадал ривожланаётган давлатдир.

Кувайт Давлати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилар қаторида, 1991 йилнинг декабрида тан олган. Ўзбекистон–Кувайт муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш ва мазмунини бойитишда Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайтга расмий ташрифи муҳим омил бўлди. Ташриф асносида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Хусусан, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ҳаво қатнови бўйича, шунингдек, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид ҳужжатлар имзоланди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида, шунингдек, икки мамлакат савдо-саноат палаталари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Мазкур жамғарма билан 1997 йилда Нукус ва Урганч шаҳарларини сув билан таъминлаш лойиҳаси учун 19,8 миллион АҚШ доллари ажратиш тўғрисида кредит шартномаси имзоланган. 2005 йилда Тўқимачи – Ангрен темир йўл қисмини электрлаштириш лойиҳасини молиялаштиришга қаратилган 20 миллион долларлик, 2006 йилда эса юздан зиёд туман тез тиббий ёрдам марказини қайта тиклаш ва жиҳозлаш лойиҳаси учун 20,75 миллион долларлик ҳужжатлар қабул қилинди. Умуман, жамғарма ажратган кредитларнинг умумий ҳажми 60 миллион АҚШ долларидан ошади.

Ўтган йили Кувайтда икки мамлакат савдо-саноат палаталари вакилларининг музокаралари бўлиб ўтди. Унда савдо ва сармоя, хусусийлаштириш, иқтисодиётнинг ўзаро манфаатли соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама муносабатларда парламентлараро алоқалар алоҳида ўрин тутади. 2002 ва 2005 йиллари Кувайт парламент делегациялари Ўзбекистонда бўлди.

2006 йилнинг май ойида ал-Кувайт шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» асарининг араб тилидаги нашри тақдимоти ўтказилди. Бу воқеа ҳам халқларимизнинг маънавий яқинлигидан яна бир далолатдир.

Гуманитар ҳамкорлик соҳасида Кувайт Вақф ва ислом ишлари вазирлиги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифини таъкидлаш жоиз. Кувайт Давлати Имом ал-Бухорий мажмуини жиҳозлаш ишларида ҳам фаол қатнашган.

Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳ Кувайт Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Кувайт Давлати ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг қамровини янада кенгайтириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК ҚУДРАТИНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 5 июнь куни пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Ҳазрати имом мажмуасида ниҳоясига етказилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида бу ерга ташриф буюрди.

Ушбу мажмуада ниҳоятда қисқа муддат – 4 ой мобайнида жуда катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун бу масканда салобат ва маҳобат тўкиб турган Ҳазрати имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг янги биноси ва бошқа ноёб, бетакрор иморатлар ҳар қандай инсоннинг ҳам кўзини қувонтириб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчилик даҳосини яна бир марта ёрқин намоён этади.

Қиёфаси тубдан ўзгариб, бутунлай янгича чирой касб этган бу масканга қадам қўяр экансиз, беихтиёр Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Бизнинг қудратимизни кўрмоқчи бўлганлар, биз барпо этган иморатларга боқсин!» – деган ҳаққоний сўзлари ёдга тушади.

Президент Ислом Каримов Ҳазрати имом мажмуасини кўздан кечирар экан, бундай улуғвор обидалар Оллоҳ таоло назари тушган муқаддас заминдагина бунёд этилишини, бу эса бизнинг маънавий илдизларимиз нақадар теран ва бақувват эканининг тасдиғидир, деб таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида кенг кўламда амалга оширилаётган мана шундай эзгу ишлар Ўзбекистон давлати, ўзбек халқининг бугунги кунда қандай орзуният ва интилишлар билан яшаётганидан далолат беради.

Юртбошимиз ушбу мажмуани барпо этишда жонбозлик кўрсатган қурувчи ва муҳандислар, қўли гул усталар, шу савобли ишга ҳисса қўшган барча инсонлар меҳнатига юксак баҳо бериб, уларга халқимиз номидан миннатдорлик билдирди. «Бизнинг кўнглимиз ҳам, юзимиз ҳам ёруғ, иншоолло, келажагимиз ҳам ёруғ бўлади», – деди давлатимиз раҳбари пировардида.

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИСДАГИ УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Кувайт Давлати Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳ 7 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, парламентлараро ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайтга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш учун янги имкониятлар очди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Кувайт парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини янада фаоллаштириш зарурлигини қайд этдилар.

Н.МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

МУСИҚА САНЪАТИМИЗ УЛКАН АРБОБИ

Моҳир бастакор Мухтор Ашрафий кўп қиррали ижодий фаолияти билан 20-аср ўзбек мусиқаси тарихида теран ва ёрқин из қолдирган шахс ҳисобланади. Бу инсонни бутун дунёда ўзбек мусиқасини жаҳон саҳналарига олиб чиққан буюк санъаткор сифатида тан олишади. Дарҳақиқат, Мухтор Ашрафий ўзбек мусиқа санъатида янги жанр бўлган илк ўзбек опера, балет ва симфоник асарларини яратган ижодкор саналади.

(Давоми 12-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



ФИДОЙИЛИКНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Орамизда жасоратли, матонатли, юрт иши йўлида шижоатдан белбоғ боғлаганлар кўп. Халқимизга хос тантилик, мардлик истиқлол йилларида янгича мазмун, маънолар билан бойиб бормоқда. Гап шундаки, бундайин кишиларимиз қанчалик кўп бўлса, Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳрати шунчалар ортаверади.

(Давоми 8-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Инсоният тарихий тараққиётида ғоялар муҳим аҳамият касб этиши билан бирга жамият ривожида ўзининг ижобий ва салбий таъсирини ўтказиб келган. Қадим Туронзамин, Мовароуннаҳр, Туркистон дея аталган юртимизда доимо инсон зоти улуғланган, унинг қадр-қиммати, ор-номуси, жамиятда тутган ўрни ва мавқеи юксак даражада қадрланган.

(Давоми 8-бетда).



2 ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

КИЧИК МУТАХАССИСЛАРГА КАТТА ИШОНЧ



5 POSBON BO‘LAR YIGITNING MARDI

MAVSUM MUVAFFAQIYATLI BOSHLANDI



10 БОЛАЛАР СПОРТИ

СЕРМАЗМУН ЎТАР ТАЪТИЛ



11 ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

ЖАНГОВАР ХИЗМАТ – ШАРАФ ВА МАСЪУЛИЯТ

Идет летняя боевая учеба

ПО УЧЕБНОЙ ТРЕВОГЕ

В частях и подразделениях Министерства обороны стартовала первая неделя летней боевой учебы. Этому предшествовала большая подготовительная работа по составлению и утверждению расписаний занятий во взводах, расстановке личного состава по штату, закреплению в торжественной обстановке за военнослужащими вооружения и военной техники.

Офицеры органов воспитательной работы немало потрудились над тем, чтобы уже в первый день учебного периода на занятии по общественно-политической подготовке создать нужный деловой настрой. Акцент же на изучении мер безопасности и функциональных обязанностей согласно боевому расчету был призван обеспечить качество боевой учебы, стремление личного состава к добротному освоению учебных программ.

Тактико-строевые занятия по действиям при подъеме по тревоге по традиции начались с тренировок в составе групп, расчетов, экипажей. В ходе данных занятий каждый военнослужащий еще раз проработал свои действия в составе подразделения.

Аналогичные занятия в составе батальонов сопровождались выходом личного состава в парк боевых машин, на склады и в пункт сбора. И наконец – комплексная тренировка в составе воинской части, где проводились тренировки в действиях по сигналам оповещения, выходу в район сосредоточения, приведению вооружения и техники в боевую готовность.

Вся эта большая многоплановая работа направлена на то, чтобы с первых дней летнего периода обучения нацелить командование и личный состав частей и подразделений на постоянное, приоритетное внимание вопросам укрепления боевой готовности.

Майор Анвар КАСЫМОВ.

ТАКОМИЛЛАШУВ – ЮКСАК ШАЙЛИК ДЕМАК

Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шахсий таркиб ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлаш, уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва техникадан моҳирона фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланганлигини яхши биламиз. Таъкидлаш лозимки, Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарияти, округ қўшинлари қўмондонлиги бу йўналишда, ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва гуруҳ таркибидаги тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳиятини ошириш, хусусан жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликни режалаштириш ва ташкиллаштириш тизимини яхшилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни жадал суръатда олиб боришмоқда.

Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига кўра ёзги ўқув мавсуми арафасида тайёрланган янги намунадаги дарслар жадвали бланкасини шу маънода ислоҳотлар самараси, бу борада бошлаган эзгу ишларимизнинг узвий давомидир, десак муболаға бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, буйруқда янги намунадаги дарслар жадвали бланкасини тўлдириш борасида қўлланмалар ҳам тавсия этилган. Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликни бундайин ташкиллаштириш ва режалаштириш шахсий таркибни тарбиялаш, уларда юксак маҳоратни, кўникмаларни ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

– Ёзги ўқув мавсумини янги намунадаги дарслар жадвали бланкалари билан бошладик. Янги бланкалар сифат ва мазмун жиҳатдан замонавий талабларга жавоб бера олади, деб ўйлайман. Бундайин муҳим янгиликлар жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларни режалаштиришимизда, бу асосда моддий-ўқув базамизни шакллантиришимизда, пировардида посбонларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда амалий ёрдам беради, – дейди тарбиячи офицер Боймирза Каримов.

Ислоҳотлар жараёнидаги бундайин ўзгариш ва янгиланишлар армиядаги тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни шакллантиришга хизмат қилаётгани фахрга, ғурурга кўмади, кишини.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, таъкидланаётган тизимнинг такомиллашуви юксак жанговар тайёргарлик ва профессионалликка, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қўшинларда ўзаро мусобақа руҳини кучайтиришга, ҳарбий хизматчиларимизда етакчилик хусусиятларини ривожлантиришга, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.



Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

КАСБИМДАН ФАХР ТОПДИМ

Ватан меҳри, Ватан ишончи, буни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Уларни фақат ҳис қилиш мумкин. Ватан чорловига муносиб жавоб бериб, эл-юрт корига камарбаста бўлиб келаётган ҳарбий ўғлонларимиз қалбида эса бу туйғулар доимо жўш уриб туради.

Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Бахмал қишлоғида туғилиб вояга етган Усмон ёшлигидан тенгдошлари орасида ўз билими, дунёқараши, иродалилиги билан ажралиб турарди. У муддатли ҳарбий хизматини чегара қўшинларида ўтади ва шу ерда унинг қалбида ҳарбийликдек шарафли касбга меҳр уйғонди.

Ҳа, у доимо ўз устида ишлаб, маҳоратини, билимини янада ошириб бормоқда. Кичик сержант ҳарбий қисмда кинолог вазифасида хизмат қилиб келмоқда. Тошкент миллий кинология марказида тўрт ой давомида сабоқ олиб, соҳа сирларини янада чуқур ва пухта ўзлаштирди. У ўз вазифаси ҳақида гапирар экан, бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Асосий вазифам ўзимга бириктирилган давлат ва ҳарбий объектларни қўриқлаш, қўл остимдаги итни қурол-аслаҳа, портловчи моддаларни топишга ўргатишдан иборатдир, – дейди у. – Бунда менга энг яқин ҳамроҳим, дўстим бўлиб қолган «Лада» лақабли итим ҳамиша ёрдамга шай. Уни доимо яхши парвариш қилиб бораман. Биргаликда машғулотларни ва олдимизга қўйилган вазифани аъло даражада ўташга ҳаракат қиламиз.

Буни қарангки, «Лада» бегона шахсларнинг қўлидан овқат емас экан. Фақатгина ўз хўжайини ва ҳарбий либосдагилар берган овқатни истеъмол қиларкан. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кичик сержант Эргашев ўз ити билан Қуролли Кучларимизда ўтказилган «Миллий кинологлар» танловида ҳам муваффақиятли қатнашиб, иккинчи ўринга сазовор бўлган ҳамда мусобақанинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

– Кичик сержант Эргашевни анчадан буён биламан, – дейди офицер Нафар Эргашев. – У тиришқоқ, иродали, кенг фикрлайдиган ўғлонларимиздан. Ўз касбига, вазифасига меҳр қўйган йигит доимо илғорлар сафида. Сафдошларидан ҳам беминнат ёрдамини аямайди. Ҳарбий қисмда ўтказилаётган маданий-маърифий, турли дам олиш тадбирларида ҳам фаол иштирок этади. Айниқса, ўз ити билан турли мусобақаларда, танловларда иштирок этиб, яхши натижаларни қўлга киритиб келмоқда.

Кичик командир спортнинг бокс, футбол, енгил атлетика турлари билан мунтазам шуғулланиб, ўз жисмоний тайёргарлигини янада ошириб, мустаҳкамлаб бормоқда.

Оиласи ҳақида тўхталадиган бўлсак, турмуш ўртоғи Шоҳидахон ва фарзандлари Соҳибжон ҳамда Зарнигорлар унинг бутун борлиғи, бахтидир. Ўғли Соҳибжон ҳам ҳарбийликка ҳавас қўйган, келажакда ҳарбий учувчи бўлишни кўнглига тукқан.

Билим ва маҳорати, тажрибаси, ақлий салоҳияти юксак бўлган кичик сержант У.Эргашев мамлакатимиз мустақиллигининг ўн беш йиллиги байрамида Президентимиз Фармонига кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди. Бу унинг Ватанимиз ҳимоясига, халқимизнинг фаровон ва осойишта ҳаёт кечириши йўлида қўшган ҳиссасига муносиб баҳо бўлди.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

Кўкрак нишонлари

«ҲАРБИЙ ИНСТРУКТОР АЛЬПИНИСТ»




«Ҳарбий инструктор альпинист» кўкрак нишони олтин рангли, диаметри 28 мм бўлган доира шаклига эга. Доиранинг ички контури кўк рангли эмал билан бўялган бўлиб, унинг юқори қисмида олтин рангли бўртма ҳарфлар билан «Ҳарбий инструктор альпинист» деб ёзилган. Пастки томонида эса диаметри 4 мм бўлган, олтин рангли бўртма саккиз бурчакли юлдуз жойлашган. Юлдуздан доиранинг иккала тарафига қараб олтин рангдаги дафна барглари ёйилган. Нишоннинг марказий қисмида ҳаворанг осмон ва сарғиш-қизил рангли қоя ифодаланган. Мазкур ранглар устида олтин рангли бўртма жангчи альпинист сиймоси тасвирланган. Жангчининг анжомлари билан биргаликдаги ўлчамлари 20 мм х 14 мм.

«Ҳарбий инструктор альпинист» кўкрак нишони учинчи, тўртинчи ва бешинчи тоифадаги мураккабликларга эга бўлган чўққиларни 2 марта забт этиш билан боғлиқ бўлган ўқув-жанговар юришларни бажариш натижаларига кўра тоғ-ўқчи бўлинмалари, тоғ тайёргарлиги кафедраси (цикли)нинг барча шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларига қўшилма (қисм) командирлари, муассаса бошлиқлари томонидан гувоҳнома билан биргаликда топширилади. Нишон кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

Ислоҳотлар самараси

КИЧИК МУТАХАССИСЛАРГА КАТТА ИШОНЧ



Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ҳамда Мудофаа вазирининг тегишли буйруғи асосида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти қошида «Автотрактор техникаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш махсус курси» ташкил этилган эди. 2006 йилнинг март ойидан фаолият кўрсата бошлаган ушбу махсус курсда сафарбарлик чақируви резервида ойлик йиғинни ўтаган фуқаролар жойлардаги мудофаа ишлари бошқармалари ва ҳокимликлар йўлланмаси асосида белгиланган тўлов пулини тўлагач, таҳсил олишади.

Давлатимиз раҳбарияти ташаббуси билан мазкур махсус курсни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда Қуролли Кучларимизнинг тегишли бўғинларига малакали мутахассис-кадрлар етказиб беришдир. Шунингдек, мазкур курснинг айнан ҳарбий билим юрти ҳузурида ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Зеро, юксак тартиб-интизом асосида чуқурлаштирилган машғулотларнинг малакали мутахассислар томонидан олиб борилиши ҳамда курсантлар учун зарур ўқув хоналари ташкил этилгани, амалий машғулот ўташлари ва спорт билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиб берилгани, қолаверса, бевосита ҳарбийча кўникмалар билан таҳсил олишгани уларнинг келгуси фаолиятлари давомида муваффақиятли натижаларга эришишида мустаҳкам замин ҳозирлайди. Шунингдек, машғулотларни самарали олиб бориш учун зарур ўқув ва техник жиҳозлар ҳам билим юртида етарли даражада. Таҳсил давомида уларнинг олган билим ва кўникмалари бевосита амалий машғулотларда мустаҳкамланиши учун Самарқанд вилоятида мавжуд «Узавтосаноат» ва «Узагромашсервис» корхоналарида ҳам машғулотлар ўтказилади. Махсус курсда йигитлар беш ойга яқин муддат давомида сабоқ олишгач, иш билан таъминланиш масаласида жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари ҳамда ҳокимият органлари амалий ёрдам кўрсатадилар.

Махсус курсда ўқишни истаганлар икки босқичли танлов асосида саралаб олинади.

Биринчи босқичда сафарбарлик чақируви резервида йиғинни ўтаётган фуқаролар орасидан ўқиш истаги борларни саралаб, йиғин тугаганидан сўнг тегишли мудофаа ишлари бўлимига ҳужжатларини юборилади.

Иккинчи босқичда жойлардаги мудофаа ишлари бошқармалари ўқиш истагидаги номзодларни саралаб жўнатишади.

Айтиш жоизки, ҳар икки босқичда ҳам номзодлардан талаб қилинадиган асосий жиҳатлар аввало, ёши 27 дан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг СҲР йиғинини ўтаганлиги, техникани бошқаришга салоҳиятлигининг тўғри келиши, маълумоти ўртадан паст бўлмаганлиги кабилардир. Мазкур талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган номзодлар ўзлари яшаб турган жойдаги мудофаа ишлари бўлимига мурожаат қилишади. Унга ўша ердан қандай ҳужжатлар тайёрлаши ва нақд ёки кўчириш йўли билан тўланадиган пул миқдори тушунтирилади.

Курсантлар билим юртида таҳсил олиш жараёнида ётоқхона, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминланади, маданий-маиший хизмат турлари, кутубхона, дам олиш хоналари, телевизор, шахмат-шашка, мусиқа асбоблари кабилардан бемалол фойдаланишади. Яъни бу каби воситалар уларнинг таҳсил учун тўлаган пуллари асосида ва билим юртининг ички имкониятларидан келиб чиқиб қопланади.

Битирганларга йўналишларига қараб тегишли тоифадаги автотрактор воситаси ҳайдовчиси гувоҳномаси, автотрактор техникаси двигателининг трансплантацияси ва электр жиҳозларини таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатиш, автотрактор техникаси ҳайдовчи-механиги, автотрактор техникаси таъмирчи механиги каби мутахассисликлар берилади.

Мудофаа вазирлиги томонидан халқ хўжалиги соҳаларига малакали мутахассислар етказиб берилиши халқ ва армия якдиллигидан, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларда ҳарбийларимиз ҳам фаол қатнашаётганидан далолат. Қолаверса, бунда армия билан ҳаётини боғлаган ёшларимиз кейин ҳам доимо давлатимиз эътиборида экани, нафақат муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлар, балки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар ҳам бу жараёндан четда қолмаётгани, умуман, келажагимиз ворислари бўлган ёшларимизга муносиб шарт-шароит ҳозирлашга барча жабҳаларда чуқур эътибор қаратилаётгани акс этган.

– Республикамизнинг турли жойларидан келган кўплаб шижоатли ўғлонларимиз махсус курсда ўқиб, техника илми сирларини эгалладилар. Уларга малакали мураббийлардан офицерлар – Марат Шарипов, Қаҳҳор Қобулов, Шароф Козимов, Тўра Очилов, Давлат Муҳиддинов, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар Фахриддин Шайматов, Асрор Эргашев, Элёр Алимов, Қуролли Кучлар хизматчилари қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент Талъат Ҳайитов, Ўктам Мамадалиев ва бошқалар соҳа сирларини ўргатишади, – дейди кичик мутахассислар тайёрлаш махсус курси бошлиғи офицер Давлат Муҳиддинов.

– Бу гал ҳам битирувчиларнинг аксарият қисми ҳарбий соҳада хизматда қолиш истагида эканини билдиришмоқда, – дейди курс бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Қаҳрамон Ботиров. – Йигитларнинг келажакда ўз касбларининг ҳақиқий усталари бўлишларига шубҳа йўқ. Чунки улар билим юртида таҳсил олиш билан бирга тартиб-интизомга ўрганишди, маънан ва жисмонан етук бўлишди, қисқаси ҳар томонлама шаклланишди. Бу уларга келгуси фаолиятларида қўл келади, деб ўйлайман.

– Бизга тажрибали мураббийлар соҳа сираларини пухта ўргатишди. Назарияда олган билимларимизни бевосита амалиётда ҳам мустаҳкамладик. Барчаси учун устозларимга раҳмат дейман. Бундан буён олган билим ва кўникмаларимни ҳаётга татбиқ этиб, юртимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қиламан, – дейди Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидан келган курсант Тўлқин Адизов.

– Мен ёшлигимдан техника илмига қизиқардим, – дейди яна бир битирувчи наманганлик курсант Мансур Деҳқонов. – Махсус курснинг ташкил этилганини эшитиб хурсанд бўлдим ва мудофаа ишлари бўлимига бориб, ўқиш истагим борлигини билдирдим. Кўп нарса ўргандим. Бундан ташқари ҳарбий билим юртида ишларнинг қатъий талаб асосида тўғри йўлга қўйилгани, ҳамма нарса жой-жойида ва ўз вақтида амалга оширилиши барчамизга манзур бўлди. Келажакда шартнома асосида ҳарбий хизматга кириб, Ватанимиз тараққиёти йўлида хизмат қиламан. Ўйлайманки, ҳали бу ерда биз каби кўплаб ёшлар таълим олишиб, турли соҳаларда ўзларини кўрсатишади ва билдирилган ишончни оқлашади.

Курсни битирган йигитларнинг ҳар жиҳатдан ўз касбининг усталари бўлиб етишганига шубҳа йўқ, албатта. Қолаверса, уларнинг олган таълим-тарбиясида ҳарбий кўникманинг алоҳида ўрин тутиши маҳоратли мутахассис бўлишларида ўзига хос омил бўлади. Ҳademай билим юртидан навбатдаги битирувчилар – кичик мутахассислар жўшқин ҳаётга йўлланма олишади. Ишончимиз комилки, улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб, юртимиз фаровонлигига ва истиқлолимизни янада мустаҳкамлашга ўз улушларини қўшишади.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Капитан Зафар ШАКАРОВ
суратга олган.

Огоҳлик – қуролимиз

СЕРГАКЛИКНИ ОШИРИБ

Жаннатмакон оҳа диёримизда осойишталик ва барқарорлик ҳукмрон. Диллари яратиш-яшнатиш, бунёдкорлик ҳислари билан тўлиб тошган меҳнаткаш халқимиз чўлларда баҳор, даштларда бўстон барпо этмоқда. Тинчлик ва осойишталик эса ўз-ўзидан бўлмайди. Бундайин неъматларни асрашдек улкан ва шарафли масъулият ҳисси қалбларида мужассам мардларимиз эса жанговар постларда туну кун бедор.



Негаки, посбонларимиздан ҳар қандай вазиятда сергак ва жанговар шайликда туришни замон талаб этмоқда.

Одатдаги кунларнинг бирида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида хизмат қилаётган офицер Парда Умаров билим юрти бўйича жавобгар шахс вазифасида эди. Билим юртининг учинчи босқич курсанти кичик сержант Исматулла Раҳмонбердиев эса навбатчи бўлинмада. Кутилмаганда билим юрти ҳудуди яқинида номаълум шахснинг пайдо бўлиши уларни шубҳага солди. Офицер ва курсант жанговар шайлик, сергакликни оширди ҳамда Низом қоидаларига мос ҳаракат қилишди. Тезкор ва изчил ҳаракатлар билан тартиббузар қўлга олинди. Ҳушёр посбонларимизнинг хизмати эса муносиб тақдирланиб, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг эсдалик нишони билан тақдирланишди.

– Мен ҳарбий хизматга ёшлигимдан жуда қизиқардим, – дейди курсант Раҳмонбердиев. – Дастлаб шу билим юрти ўқув жараёнини таъминлаш бўлинмасида аскар бўлиб хизмат қилганман. Кейин эса шартнома асосида хизматга кирдим. Айни пайтда эса курсантман. Ҳademай офицер бўламан. Мақсадим, халқимга, Ватанимга хизмат қилиш ва ҳар доим осойишталикни мустаҳкам асраш. Бизни ҳеч ким ва ҳеч нарса чўчита олмайди. Юртимиз тинчлигига, истиқлолга кўксимиз қалқондир.

Катта лейтенант Шоҳрух ЖУМАЕВ.
Капитан Зафар ШАКАРОВ суратга олган.

ОЗОД ВАТАНДИР БУ, ОБОД ВАТАНДИР

БУ БАЙРАМ – БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ

НИГОҲ

Мустақиллик – асрий орзуларимиз ушалган кун, тенглар ичра тенг эканлигимизга далил, эзгу ташаббуслар билан эл-юртга наф келтириш имконияти демакдир. Шунинг учун бўлса керак, Истиқлол деб аталмиш муборак калом тилга олинганда, вужудимизда энтикиш уйғонади. Зеро, Ватан мустақиллиги – беқиёс неъмат.

Истиқлол туфайли биз, энг аввало, ўзлигимизни англашни ўргандик. Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан бетакрор удумларимиз, фақат ўзимизгагина хос анъаналаримиз бўй кўрсатди. Она каби азиз Ватанимиз – Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда. Энг асосийси, юртимизнинг тинч, ҳаётимизнинг осойишталигидир. Кексаларимиз ҳар гал дуога қўл очганларида, осойишталик, хотиржамлигимизга кўз тегмасин, дейдилар. Зотан, эл-юртнинг тинчлиги, озодлиги ҳар нарсадан улуғ. Бу улуғликни қадрлаш эса ҳар биримизнинг фарзимизга айланмоғи лозим. Ахир, ватанпарварлик нафақат ўз юртингни балоқазолардан асраш, балки унинг тараққиёти учун курашиш ҳам демакдир.

Шукрки, биз инсониятга саодат бахш этувчи истиқлол ҳавосидан нафас олиб, умргузаронлик қилмоқдамиз. 16 йилнинг ҳар бир куни ўзига хос мазмун-моҳият касб этди. Шундай экан, халқимизнинг асрий орзуларини ушалтираётган неъмат – Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини ҳар қанча муносиб, ҳар қанча кўтаринки руҳда кутиб олишга ҳақлимиз. Бу байрам – умуммиллий, умуминсоний қадриятлар, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, фахру ғуруримиз, намойишидир. Бундай ифтихор туйғуси, қарорда таъкидланганидек, истиқлолнинг ёш авлод қалбига чуқур сингиб бораётгани, ёш оилаларнинг маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, илм-фан, спортда эришилаётган ютуқлар залвори билан янада аҳамиятлидир.

Мазкур қарорда зикр этилган «Бу байрам – барчамизники, бутун халқимизники» деган эзгу ғояни кенг тарғиб қилишда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида ташкил қилинадиган байрам томошалари алоҳида аҳамиятга молик. Шу мақсадда бир қатор ташкилотлар зиммасига энг улуғ ва энг азиз айёмнинг кўтаринки руҳ ва кайфиятда ўтишини таъминлаш вазифаси юкланди. Ахир, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» деган шиор ила яшаётган эканмиз, мустақиллик шодиёнасини бутунлай янгича руҳда ўтказишга тайёргарлик кўришимизда ҳам ўзига хос маъно бор, албатта.

Мустақиллик шунчаки байрам эмас. Ушбу улуғ айём тимсолида ота-боболаримизнинг орзу-умидлари ушалаётгани, элимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, урф-одатлари, қадриятлари, анъана ва удумлари тобора шаклланиб, ривожланиб бораётганлиги мужассам. Инчунун, 2007 йил Ижтимоий ҳимоя йили шиори остида ўтмоқда. Зеро, мададга маҳталларга таянч бўладиган, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиладиган юртда яхшиликлар бардавомдир. Мамлакатимизда бу борадаги ислоҳотлар ҳам кенг кўламда олиб борилаяпти.


Демак, бундай байрамларни ўтказиш учун шунга яраша сабаб, ютуқларимиз бор. Тантаналар ўтказишга лойиқ ютуқлар, муваффақиятларимиз талайгина. Президентимиз раҳнамолигида оқилона, изчил олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли бу ютуқлар кўлами тобора баландроқ бўй кўрсатмоқда. Айниқса, Президентимиз имзо чекқан ҳужжатлар, хусусан, яқиндагина матбуотда эълон қилинган ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир фармон ҳаётий ва ҳаққоний заруратни ўзида акс эттирганлиги боис у кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Бундай имкониятлар истиқлол боис юзага келганини асло унутмаслигимиз даркор.

«Энг катта бойлигимиз бунёдкор халқимиздир!»

Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ қад ростлаётган биноларда, янгиланаётган маҳалла ва гузарларда, мактаб, коллеж, лицейларнинг ҳашаматли кошоналарида ўз аксини топмоқда. Масалан, Эски шаҳарнинг номи айтилмаса, қадам ранжида қилган одам, бу ерни ҳозир дафъатан таний олмайди. Чунки ён-атрофда, илгаригидек, палапартишлик эмас, озодалик, саранжом-саришталик мужассам. Фақат бу эмас, Тошкентнинг бошқа ҳудудларида ҳам ободончилик ишлари, бунёдкорлик юмушлари изчил амалга оширилаётгани ҳаммамизга маълум. Ушбу ўзгаришлардан мақсад, мамлакатимиз пойтахтини ҳар томонлама кўркам ва намунали даражага етказишдир. Шунингдек, вилоятларимизда ҳам катта ўзгаришлар олиб борилмоқда. Хусусан, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандниг 2750 йиллиги олдидан Шоҳи Зинда зиёратгоҳи ва бошқа қадамжоларнинг тубдан қайта таъмирлангани, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи сабаб шаҳар замонавий қиёфа касб этгани, Хоразмда Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш муносабати билан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани халқимизнинг кайфиятида яратувчанлик ҳисси устун эканлигига далилдир.

Халқимизда: «Тўйга тўёна билан» деган гап бор. Шу маънода, мазкур фараҳбахш айёмга ҳар кимнинг ўз тўёнаси бор. Бу тўёна бор меҳрини ўзгаларга улашиб, ўзи ҳам шод бўладиган юртимиз фуқароларининг завқида, фидойи меҳнатида, Ижтимоий ҳимоя йилидаги ҳимматида мужассам. Истиқлолнинг 16 йиллик айёми туфайли миллатимизга хос бўлган ана шу эзгу фазилатларни тараннум этиш, меҳр ва мурувватни мадҳ этиш, улкан ўзгаришларни яхлит ва тўлақонли акс эттиришда қарордаги ҳар бир банд муҳим дастуриламалдир. Зеро, энг улуғ, энг азиз байрам – Истиқлол тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бахтидан ортиқроқ саодат бўлмагай.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.
(«Халқ сўзи», 5 июнь 2007 йил).



Изучая строки Постановления

НАШ РАТНЫЙ ТРУД И ВДОХНОВЕНИЕ – ДНЮ НЕЗАВИСИМОСТИ

Исполняющаяся в этом году 16-я годовщина независимости имеет огромное общественно-политическое значение для страны, общества и каждого его гражданина. Это требует широкой пропаганды среди населения весомых достижений нашего народа, успехов в строительстве правового, демократического государства, гражданского общества, укрепления в сознании граждан, особенно молодежи, высокой роли и значения независимости, чувства любви и преданности Родине.

Постановление Президента страны «О подготовке и проведении празднования 16-летия независимости Республики Узбекистан» – это, по существу, целостная, глубоко продуманная программа действий государственных, общественных структур на предстоящий период. В центре ее – проблемы воспитания, духовности и просветительства, формирования личности, достойной наших идеалов. Каждое слово, каждая мысль этого постановления обладают огромной организующей и мобилизующей силой и несут в себе конкретные установки.

У нас, узбекистанцев, ко Дню независимости особое, трепетное отношение. И это естественно. День независимости – это самый дорогой и самый великий праздник нашего народа. Потому и отмечается он по-особому. Стало общенациональной традицией, что к этому празднику каждая организация, предприятие, производство, каждая семья и каждый гражданин готовят свои подарки.

С другой стороны, встречая очередную годовщину независимости, мы мысленно окидываем взором прожитый год: какой он оставил след в жизни нашей страны, каждого из нас, чем он был знаменателен. С чувством гордости за свою страну и свой народ мы можем сказать, что в год 16-летия независимости мы добились многого. Прежде всего сберегли суверенитет страны и ее независимость, не поступились своими принципами, ни перед кем не склонили головы и не уронили чести и достоинства нации. Мы сохранили мир и стабильность, гражданское, межнациональное и межконфессиональное согласие и в духе международных норм обеспечиваем права человека, постоянно заботясь о гармоничном развитии личности, ее здоровье и благополучии. Мы обеспечиваем стабильно высокие, не снижающиеся темпы роста экономики, углубление процессов обновления всех сторон общественной жизни, утверждение принципов демократии, справедливости и свободы, упрочение духовных и нравственных начал в сознании народа, особенно молодежи, и всемерное, всеохватывающее развитие спорта.

Задачи, поставленные Президентом страны в постановлении, имеют общегосударственное, общенациональное значение и, по существу, являются программой подъема и активизации всей идейно-воспитательной работы в период подготовки к знаменательной дате – 16-летию независимости.

Эти задачи всецело относятся и к Вооруженным Силам страны, к работе командиров всех уровней, органов воспитательной работы, ко всем офицерам и сержантам. Ведь высокий уровень и динамизм политической жизни страны, успешное решение государством социальных проблем, дальнейший подъем экономики, качественные изменения на мировой арене и возрастание международного авторитета Узбекистана в его последовательной бескомпромиссной борьбе против международного терроризма и других деструктивных сил, сложность и противоречивость обстановки в мире и регионе – все это выдвигает воспитательную работу в разряд приоритетных направлений общественно-политической деятельности. А непосредственная подготовка ко Дню независимости усиливает ее актуальность и придает ей стратегический характер.

Основываясь на положениях постановления и учитывая весь комплекс проблем, стоящих перед Вооруженными Силами, важно основные усилия в воспитательной работе сосредоточить на последовательном решении задачи, поставленной Президентом страны, – **укрепление в сознании каждого военнослужащего чувства высокой ответственности за судьбу страны, воспитание у них патриотизма, высоких моральных и духовно-нравственных качеств, активной жизненной позиции.** В этой связи особую значимость приобретают фундаментальные приоритеты и направления.

Первое. В основу воспитательной работы со всеми категориями военнослужащих **должны быть положены труды Президента страны И.А.Каримова, его доклады, выступления, речи и беседы.** Именно в них мы найдем многие ответы на животрепещущие проблемы нашей сегодняшней жизни и воинской службы. Настольным источником знаний командира, заместителя по воспитательной работе должна стать и недавно вышедшая в свет книга главы государства «Прогресс страны и повышение уровня жизни нашего народа – конечная цель всех демократических обновлений и экономических реформ», имеющая принципиальное значение не только в Год социальной защиты, но и прогнозное, концептуальное значение на ближайшую и отдаленную перспективу. Именно она учит объективно оценивать события и явления общественной жизни, видеть просчеты и недостатки, отличать хорошее от плохого, друзей от недругов, быть бдительными и внимательными, ясно понимать сохраняющиеся вокруг угрозы и не уступать давлению различных сил. В трудах Президента – живительный источник нашей духовности, высокой нравственности, веры и убежденности в величии идеалов независимости.

Второе. Повседневное внимание в процессе воспитательной работы мы должны уделять последовательной, аргументированной **пропаганде достижений на путях независимости.** Мы должны гордиться тем, что с первых дней независимости Узбекистан стремился к высоким показателям в своем социально-экономическом развитии. Добившись макроэкономической и финансовой стабильности, наша страна уже в течение многих лет обеспечивает устойчивые и высокие темпы роста экономики. Об этих успехах и достижениях должен знать каждый военнослужащий. Хорошим и надежным подспорьем в руках воспитателей являются материалы заседаний Кабинета Министров Республики Узбекистан об итогах социально-экономического развития страны за каждый отчетный период, их цифры, конкретные факты, проблемы и приоритеты. Подчеркнем особо, что Узбекистан сегодня – это демократическое государство с достаточно развитой рыночной экономикой, в котором обеспечиваются права граждан, где реально существует сильная социальная политика, где успешно развиваются наука, образование, культура. Это государство, где царят мир и стабильность, гражданское, межнациональное и межконфессиональное согласие, где люди бережно относятся к национальным ценностям, ко всей культуре народа Узбекистана и благоговейно относятся к наследию великих предков, которое придает нам силу, энергию и укрепляет нашу духовность и нравственность.

Третье. Одним из важнейших направлений в воспитательной работе должны быть вопросы социальной политики нашего государства. Не только потому, что нынешний год – Год социальной защиты, а потому, что **активная действенная социальная политика в нашем государстве является сквозным приоритетом на всех этапах нашего развития.** Особая забота в стране проявляется о военнослужащих. При этом, как отметил Президент, **важнейшей задачей государства и нашего общества должно стать дальнейшее усиление целенаправленной работы по социальной защите военнослужащих и их семей, обеспечению их жильем, улучшению бытовых условий и медицинского обслуживания.**

Огромное принципиальное значение в деле решения социальных проблем общества имел Указ Президента страны «О дополнительных мерах по материальной и моральной поддержке молодых семей». Наше государство все делает для того, чтобы условия жизни наших граждан не уступали по уровню самым развитым странам мира. Нам же, гражданам своей великой страны, надо беречь и приумножать такие благородные качества, как трудолюбие, единство нации, доброта и взаимопонимание, терпение и великодушие, решительность и смелость в достижении поставленных целей.

Четвертое. Есть еще один важный аспект в воспитательной работе, который нельзя обойти вниманием. Суть его состоит в том, что во всей своей работе мы непременно должны подчеркивать, что **только благодаря независимости раскрылся социальный потенциал нашего народа и потенциал личности.** Благодаря независимости страна стала полноправным членом мирового сообщества, имеющим высокий международный авторитет. Сегодня к голосу Узбекистана внимательно прислушиваются во всех уголках нашей планеты. Лидер нашей страны обладает непререкаемым авторитетом в борьбе против международного терроризма и религиозного экстремизма. Узбекистан активно участвует в решении многочисленных региональных и глобальных проблем и при этом выступает всегда с деловыми, конструктивными предложениями. Каждый гражданин – полноправный член общества, для него открыты все пути к образованию, предпринимательской деятельности, к достижениям культуры. Республика стала местом проведения многочисленных международных конференций, фестивалей, «круглых столов», выставок. Достойное место в мире занимает наша молодежь, удивляющая мировую общественность своими достижениями и открытиями в производстве, изобразительном искусстве, музыке, спорте.

Пятое. Всеми формами и методами воспитательной работы способствовать росту профессионализма и боевого мастерства военнослужащих, воспитывать их в духе постоянной бдительности и высокой боевой готовности. Настойчиво продолжать работу по формированию у каждого военнослужащего высоких морально-боевых и психологических качеств и прежде всего патриотизма, любви к своей независимой Родине, мужество и отвагу, стойкость и выдержку и, как отмечается в постановлении, **«чувства сопричастности и ответственности, укрепления в обществе атмосферы дружбы, взаимоуважения и согласия, являющихся основным условием и гарантией всех наших достижений, сегодняшнего и завтрашнего прогресса».**

Теперь главное, в соответствии с установками Президента и плана мероприятий Министерства обороны, – качество нашей работы. Нет мероприятий без человека, а в военном деле особенно. Поэтому суть работы должна заключаться не в том, чтобы любой ценой, не учитывая интересы человека, провести то или иное мероприятие, а в том, чтобы любое мероприятие, тем более посвященное Дню независимости, несло в себе воспитательный характер, укрепляло убежденность военнослужащего в правоте дела независимости и величии наших достижений.


Наш долг и святая обязанность – сделать все от нас зависящее, чтобы достойно встретить 16-летие независимости страны и еще выше поднять бдительность, боевую готовность, авторитет и престиж Вооруженных Сил, надежно охраняющих священные рубежи нашей великой независимой Родины.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Идут Государственные экзамены

НА ПРОЧНОЙ ПРАКТИЧЕСКОЙ БАЗЕ

Командование, профессорско-преподавательский состав Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища (СВВАКИУ) в процессе обучения будущих офицеров стремятся максимально закрепить на практике полученные теоретические знания. Вот и курсантам инженерного факультета благодаря активному участию в показательном занятии по демонстрации боевых возможностей специальной техники удалось заложить прочный фундамент перед сдачей Государственных экзаменов.



Например, курсант Аброр Азимов тактико-технические характеристики установки разминирования знает четко. Потому ему довелось участвовать в реальном показе проделывания прохода в «минном поле» условного противника.

– Вообще наши курсанты успешно используют определенные в учебных программах практические выезды в боевые подразделения, – говорит подполковник Хасан Мавлонов. – Многие курсанты привозят положительные отзывы командования после поездки на стажировку. При сдаче Государственных экзаменов этот солидный багаж знаний и навыков должен оказать благотворное влияние на общую оценку.

Еще одним положительным моментом участия курсантов в показательном занятии стало изучение ими методического мастерства старших товарищей. Так, курсанту Ахрору Избосарову было интересно следить за выступлением подполковника Султона Нишонова, прокомментировавшего работу колейного минного трала. А вот курсант Бахром Фозилов извлек для себя немало полезного из рассказа подполковника Тулкина Эргашева, описавшего тактико-технические характеристики быстроходной траншейной машины.

– Для нас, будущих офицеров-инженеров, участие в данном показательном занятии ценно еще и тем, что нам показали боевые возможности специальной инженерной техники в действии, – делится своими впечатлениями курсант Мухитдин Бекбутаев. – Лично меня поразила слаженная работа военных профессионалов по наведению понтонной переправы, показу действий водолазов в обстановке учебного боя.

Одним словом, в ходе сдачи Государственных экзаменов в данном училище члены взыскательной экзаменационной комиссии смогут убедиться, насколько большое позитивное влияние оказало на выпускников участие в практическом занятии по показу боевых возможностей техники. В эти дни, успешно сдавая экзамены, они благодарят за науку не только своих непосредственных наставников, но и опытных офицеров инженерных войск, которые руководили их действиями в период подготовки к проведению данного масштабного занятия. Нет сомнений в том, что и в этом году в воинские подразделения вольются офицеры инженерных войск, вооруженные не только самой современной теорией, но и прочной базой практических навыков.

Майор Баходир УТАНОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

На военных кафедрах

СБОРЫ ПРОШЛИ УСПЕШНО

На военной кафедре Ташкентского института ирригации и мелиорации (ТИИМ) выполняют важную задачу – подготовку офицеров резерва. На днях студенты возвратились с полигона, где в ходе месячных сборов на практике прочно закрепили полученные теоретические знания.

В частности, на них произвело большое впечатление практическое занятие по показу устройства бронетанковой техники, проведенное подполковником Виктором Шушпановым. Об особенностях эксплуатации бронетанковой техники рассказал майор Орифжон Худайкулов, сопроводив свой рассказ показом боевых машин.

– Командование ЧВТКИУ не только предоставило нам свою учебно-материальную базу, но и активно помогало в процессе обучения, – говорит майор Баходир Хайдаров. – Например, будущих инженеров очень интересовала организация ремонта бронетанковой техники. Проведя занятие по данной теме, мне удалось совместить рассказ показом работы ремонтных подразделений. В училище боевая техника эксплуатируется очень интенсивно при обучении будущих офицеров, потому и дело ее возвращения в строй здесь организовано солидно, с размахом.

Занятия по вождению боевых машин со студентами военной кафедры провел подполковник Алишер Джалилов. Они смогли на своем примере убедиться в том, что компьютерные тренажеры не только очень выгодны в плане сбережения моторесурсов, но и позволяют быстрее освоить практические навыки и умения управления танком, боевой машиной десанта, БТР. Среди тех, кого отметили наставники на вождении, – Дильшод Карабаев, Джахонгир Джанабаев, получившие отличные оценки на экзамене.

Накануне принятия Военной присяги студенты выполнили упражнение учебных стрельб из стрелкового оружия. Среди тех, кто отличился метким огнем по мишеням, – Бахриддин Бердиев, Даулет Едилбаев, Соликжон Бердибеков.

Традиционно торжественно прошло на сборах принятие Военной присяги. От имени руководства высшего образовательного учреждения с этим незабываемым событием поздравил ребят проректор ТИИМ по духовности и просветительству Учкун Нигматжонов, свои пожелания адресовали им родные и близкие, ветераны.

К слову, культурный досуг был организован на уровне: курсанты посетили Центральный музей Вооруженных Сил, перед ними выступил с концертной программой институтский ансамбль, по выходным проводились спортивные состязания. Например, в кроссе на 3 километра победил студент Бекзод Султонов, а майор Дмитрий Корнилов увлек личным примером офицеров. Ребятам еженедельно доставлялась газета «Ватанпарвар», благодаря оперативному информированию они всегда были в курсе важнейших событий.

На будущих ирригаторов и мелиораторов произвело огромное впечатление участие в показе боевых возможностей инженерных войск, проведенном в дни прохождения ими сборов. Боевая мощь нашей национальной армии наполнила студентов гордостью за страну, ее Вооруженные Силы, бдительно стоящие на страже независимости.

Майор Аблай КАМАЛОВ.

«Энг илғор сержант»

ЮРТНИНГ ЕТУК ЎҒЛОНИ

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Алишер Мирзакаримов ҳаётини ҳарбий хизматга бағишлаган Ватан фидойиларидандир. У ҳарбийликни шараф деб, устувор мақсад деб билди. Ҳаёти мазмунини жанговар хизматда кўриб эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилишга ғайрат камарини маҳкам боғларкан, бундан ортиқ савоб иш бўлмаслигини дил-дилидан ҳис этди. Келажагини, тақдирини ва орзулар рўёбини айнан ҳарбийликда топишига астойдил ишонди.



Бугун юртнинг етук ўғлони бўлган Алишер эл аро танилган, нафақат ўзи хизмат қилаётган қисм, балки Қуролли Кучлар миқёсида ҳурмат-эътиборга эга. Ёдингизда бўлса, шижоатли ўғлон 2004 йилда биринчи марта «Энг илғор сержант» номинациясида Қуролли Кучлар бўйича биринчи ўринга эришган эди. Мана, орадан икки йил ўтиб, яъни ортда қолган ўқув йили якунида ҳам у мазкур шонли натижани қайта такрорлади. Барча мусобақадошларни ортда қолдириб, ўз номинациясида яна мутлоқ ғолибликни қўлга киритди.

Албатта, таъкидлаш керак, бундай натижага эришиш осон эмас. Ғалаба нашидасини суриш ҳаммагаям насиб қилавермаслиги кундай равшан. Бунинг учун кишидан интилишу изланиш, курашиш, билим ва малакани бойитиш, ғайрат-шижоат, тажриба, энг асосийси, тинимсиз машаққат ва сабот талаб этилади. Ана шу ҳаётий тамойилларга амал қилган матонатли ва тиришқоқ ўғлон асдойдил заҳмат чекиб, ниҳоят ўз сўзини баралла айтди. У яна ғолиб, у яна музаффар. Жаҳонга машҳур буюк саркардаларга муносиб издош, боболар анъаналарининг содиқ давомчиси эканини, ўзбек ўғлонининг ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмаслигини исботлади.

Маълумки, «Энг илғор мутахассис» танлови кучлилар ичра кучлилар мусобақасидир. Бу курашда майдон энг сараларни чорлайди. Ҳар бири тоғни талқон қилишга қодир азамат, билимдон ва зукко йигитлар билан баҳслашиш учун уларга муносиб «рақиб» бўлишинг керак. Билим ва тажриба айниқса, муҳим роль ўйнайди. Чунки иштирокчилар мазкур босқичга қадар ҳам кўплаб синовлардан муваффақиятли ўтган, чиниқиб тобланган асл шунқорларда! Ҳар бири ғолибликка даъвогар. Бироқ қаҳрамонимизда билим ва тажриба муштараклиги юксак ғалабани таъминлади. Алишер ҳар томонлама ўз шарафли номига муносиб эканини амалда кўрсатди.

– Ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишимда кўпчиликнинг ҳиссаси бор, – дейди кичик сержант Алишер Мирзакаримов биз билан суҳбатда. – Жумладан, устоз офицерлар – Рустам Мамаюсупов, Анвар Далабоев, Анвар Жабборов, Саловат Исмоилов, Тўлқин Ражабов ва сержант Сарвар Абдумажидовлардан беҳад миннатдорман. Шунингдек, марҳум сафдошим кичик сержант Паҳлавон Абдуллаевдан ҳам ҳарбу зарб илмига оид жуда кўп билимларни ўргангандим. Уларнинг ўргатганлари мусобақалар давомида роса қўл келди. Танловда ғолиблик учун армиямиз профессионалларидан шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар, кичик сержантлар – Шавкат Чориев, Исмоил Юлдашев, Павел Булушко каби шеримард ўғлонлар билан муросасиз баҳслар олиб бордим. Кураш ғоят шиддатли тарзда ўтди. Омадим бор экан, барчасидан ўзиб кетдим. Бундан буён ҳам ҳамиша илғор ва тиришқоқ бўлишга сўз бераман.

Алишер Мирзакаримовни ўз ишининг моҳир билимдони сифатида юртимиз ҳарбийлари сафида халқаро ҳарбий ҳамкорликлар доирасидаги ўқув машғулотларида ҳам фаол иштирок этиб, нуфузли натижалар қайд этгани, ҳарбий хизматчи учун зарур билимларни пухта эгаллаш билан биргаликда енгил атлетика ва парашют спорти, тил ўрганиш ва китоблар мутолааси билан мунтазам шуғулланиб келиши, жисмоний тарбия борасида етук мутахассис экани, аълочи сифатида «Ўзбекистон белгиси» ва «Ўзбекистон Қуролли Кучларига ўн йил» эсдалик нишонлари совриндори бўлганини эсласак, йигитнинг ғайрат-шижоати қай даражада эканини яққол ҳис этамиз. Алишер юртимиз ҳудудига суқилиб кирмоқчи бўлган террорчи гуруҳларга қарши ҳаракатларда ҳам жонбозлик кўрсатиб, мардлигу матонат фазилатларини намоён этганди. Она Ватан осойишталиги йўлида кўкси қалқон бундай ўғлонни вояга етказган ота-онасига ҳар қанча тасаннолар айтсанг арзийди.

Катта лейтенант Давлат АСИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

За экономию и бережливость

ПУТИ СБЕРЕЖЕНИЯ В ПОДРАЗДЕЛЕНИИ

Вопросы экономии в воинском подразделении не имеют ничего общего со скупостью. Это свидетельство хорошо организованного, разумного ведения взводного хозяйства, бережного отношения ко всему, что находится в пользовании военнослужащих.

Не секрет, что затраты на питание военнослужащих – одна из важных составляющих армейского бюджета. Паек военнослужащего составлен на научной основе с учетом необходимого количества калорийных и питательных пищевых продуктов. Важный резерв экономии в воинской части – сокращение пищевых отходов и потерь от порчи продуктов. Здесь следует строго соблюдать требования соответствующих приказов, инструкций и других руководящих документов в части хранения продуктов, переработки отходов. Что касается тепловой обработки продуктов, то следует иметь в виду, что до 10–25% питательных веществ теряется при жарке и варке (со сливом отвара) пищевых продуктов. Применение более рациональной тепловой обработки (тушение, варка на пару, варка с использованием отвара) сокращает потери в несколько раз и позволяет сократить расходы на питание.

Значительную экономию средств дает централизованная закупка больших партий овощей, картофеля, ягод и других продуктов в период уборки урожая, в том числе непосредственно у производителей по ценам себестоимости товара. Купленные в осенний сезон или собранные в приусадебном хозяйстве картофель, овощи и фрукты рациональнее всего хранить в специализированных хранилищах. Такие хранилища имеются в каждой воинской части. Достаточно эффективно можно сберечь корнеплоды и картофель в буртах или сухих ямах непосредственно в поле. Консервирование овощей также позволяет сэкономить средства и обеспечить солдатский стол круглый год вкусными и питательными продуктами.

Традиционными средствами повышения срока службы одежды и обуви являются бережное обращение и уход (чистка согласно рекомендациям и т.д.), своевременный ремонт и модернизация, в том числе и силами нештатных сапожников, имеющихся в каждом подразделении. В масштабах Вооруженных Сил расходы на ремонт и изготовление одежды и обуви, мебели и бытовой техники, спальных помещений и учебных классов, автотранспорта и учебных пособий довольно значительны. Лучший способ сэкономить на ремонте – это, безусловно, бережное отношение военнослужащих к выданным в личное пользование вещам и взводному имуществу. Некоторые виды простого ремонта могут быть выполнены собственными силами. Прежде всего это касается жилых и подсобных помещений, мебели, одежды. В каждой части имеются соответствующие наставления, пособия и плакаты, обширная литература по ведению взводного хозяйства с полезными советами, которые помогают выполнять многие виды ремонтных работ наиболее рациональными способами.

Следует иметь в виду, что бытующее мнение о низкой надежности подержанной техники сильно преувеличено. Ресурс службы бытовой техники и мебели, кроме мягкой, как правило, достаточно высок. И она чаще всего выходит из строя не вследствие износа, а в результате нарушения условий эксплуатации.

Мероприятия по экономии воды особенно важны в условиях нашего географического расположения и климата, у нас к воде издавна относились с особой бережливостью. Прежде всего полезно определить ее расход. Анализ существующего объема водопотребления покажет, какие мероприятия необходимо проводить в первую очередь и поможет оценивать их эффект впоследствии. О какой экономии можно вести речь, когда зачастую вода просто течет, причем нередко на это не обращают внимания? А между тем, расчеты потерь показали, что если вода:

– капает из крана – потери составляют около 24 литра в сутки, 720 – в месяц;

– течет из крана – около 144 литра в сутки, 4 000 – в месяц;

– течет в туалете – около 2000 литров в сутки, 60 000 – в месяц.


Поэтому в первую очередь полезно заменить старое оборудование, привести в порядок сантехнику и все оборудование водоснабжения. Современные кранбуксы с металлокерамическими элементами вместо «упругих» прокладок позволяют забыть про извечное капание из кранов. При высокой надежности пользоваться ими просто и легко. Применение качественных распылителей на смесителях и душевых установках позволяет комфортно пользоваться водой при вдвое меньшем расходе. Рукоятка душа с прерывателем потока воды снижает ее расход еще на четверть.

И все-таки главным мероприятием по экономии воды следует считать изменение наших привычек. Например, мыть посуду под проточной водой расточительно дважды, кроме воды увеличивается расход моющих средств. Экономнее и удобнее пользоваться двумя наполненными раковинами, в одной растворяется моющее средство, а в другой посуда ополаскивается. Расход воды снижается в десятки раз, экономятся моющие средства. На Западе принято умываться, набрав воды в раковину. И уж тем более не следует чистить зубы или бриться под проточной водой.

Что означает экономия 1 г хлеба? Если каждый из 6 миллиардов жителей нашей планеты каждый день будет экономить 1 г хлеба, то ежедневная экономия хлеба составит 6 тысяч тонн, а годовая – более 2 миллионов тонн зерна, на перевозку которого требуется 25 тысяч железнодорожных вагонов. Сэкономленным хлебом можно будет накормить 12 миллионов голодающих людей, что равно численности населения большой страны.

Одним словом, командирам и офицерам-воспитателям необходимо в повседневной служебно-боевой деятельности постоянно акцентировать внимание личного состава на вопросах бережливого отношения к материальным ценностям, приобретаемым на народные средства.

Владимир КАЛОШИН.



ЮКСАКЛИККА ИНТИЛИБ



Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида туғилиб вояга етган Нодирбек Мамараҳимов ёшлигидан тенгдошлари орасида ўз билими, дунёқараши, иродалилиги билан ажралиб турарди. Мактабни ва Самарқанд тижорат коллежини аъло баҳоларга тугатган ўғлон биринчилардан бўлиб конституциявий бурчини ўташга, яъни муддатли ҳарбий хизматга отланди.

– Муддатли хизматга қадар армия ҳақида кам тасаввурга эга эдим, – дейди кичик сержант Н.Мамараҳимов– Хизматим давомида офицер ва сержантлардан кўп нарсани ўргандим. Армия ҳақиқатан ҳам ҳаёт мактаби эканлигига шунда амин бўлганман. Отамнинг розилиги ва оқ фотиҳалари билан шу касбга ҳаётимни бағишлашга қарор қилдим. Ўз касбимдан, вазифамдан жуда фахрланаман.

Олти йилдан буён шартнома асосида хизмат қилиб келаётган посбон тиришқоқлиги, ўз устида ишлаши, мутахассислиги бўйича билимларини мунтазам бойитиб бориши, етакчилиги билан ажралиб туради. Шу қисқа давр ичида кўпгина ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, Қуролли Кучларимизда ўтказилган «Энг илғор мутахассис» танловида 2005-2006 ўқув йили якунлари бўйича округ миқёсида биринчи ўринга сазовор бўлди. Эришилган ғалаба замирида унинг соҳага, жисмоний ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларига юқори эътибор қаратгани ётади.

– Хизматим мобайнида малакали офицерлардан ҳарб илми билимларини пухта ўзлаштирдим, – дейди кичик командир. – Айниқса, сержантлар тайёрлаш мактабида ўрганган билимларим вазифамни аъло даражада бажаришимда жуда асқотмоқда. Эгаллаган билимларим зое кетмабди.

Нодирбек спортнинг қўл жангги, енгил атлетика турлари билан мунтазам шуғулланиб, жисмоний тайёргарлигини янада ошириб бормоқда. Шунингдек, бўш вақтларида тарихий китоблар ўқишни ёқтиради.

– Кичик сержант Мамараҳимов ҳар томонлама етук, профессионал кичик командирлардан, – дейди офицер, «Жасорат» медали соҳиби Анвар Ҳамидов. – У ўз ишининг ҳақиқий устаси, қўйилган вазифани доим вақтида, айтилганидай бажаради. Ташаббускорлик қобилиятига эга, шунинг учун бўлса керак, у ҳамиша олдинги сафда. Ўзининг намунали, ибратли хизматлари билан сафдошларига ҳам ўрнак бўлиб келмоқда.

Ҳа, жанговар шайликни оширишда ҳарбий хизматчиларнинг юксак маҳорати, малакаси, тажрибаси ҳамда ҳарб илми бўйича эга бўлган билимлари муҳим аҳамиятга эга. Кичик сержант Н.Мамараҳимов ушбу масъулиятни юракдан ҳис қилиб, ўз билимларини бойитиб, малакасини янада ошириб бормоқда. Унинг келажакда профессионалликнинг янги-янги чўққиларини забт этишига ишончимиз комил.


Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.

POSBON BO‘LAR YIGITNING MARDI

MAVSUM MUVAFFAQIYATLI BOSHLANDI


Ma’lumki, 2006-2007 o‘quv yili: “Hushyorlikni saqlash, jangovar malaka va kasbiy mahoratni oshirish, vaziyatning har qanday sharoitida Vatanni, O‘zbekiston halqining tinchligi va osoyishtaligini ishonchli himoya qilishga tayyor turish – eng muhim vazifamizdir” shiori ostida o‘tmoqda. 1-iyundan esa Mudofaa vazirligiga qarashli barcha harbiy qism va bo‘linmalarda yangi mavsum – yozgi o‘quv mashg‘ulotlari mavsumi boshlandi.

Mazkur bosqichda ham to o‘quv yili yakunlanib, sinov va imtihonlar boshlangunga qadar posbonlarimiz o‘zlariga qo‘yilgan vazifalarni vijdonan va sifatli ado etish bilan birga harbu zarb san’atidan saboq olishadi, jangovar bilim va malakalarini oshiradi. Bugun mintaqa va jahon miqyosida kuzatilayotgan ijtimoiy-siyosiy vaziyat, zaminimizning hali u, hali bu burchagida bosh ko‘tarishga urinayotgan terror balosi, dunyo tinchliksevar halqlarining havfsizligiga tahdid solishga urinayotgan qora kuchlar Yurtboshimiz aytganidek, har birimizdan hamisha hushyor bo‘lishimizni, osoyishtaligimiz qo‘riqchilari bo‘lgan posbonlardan esa ogohlik bilan birga doimo yuqori jangovar shaylikda turishni talab etadi. Bunga erishish uchun tinmay izlanish, bilim va mahoratni boyitish zarur. Chunki puhta jangovar tayyorgarlikka ega, jismonan baquvvat, tehnika va qurol-yarog‘ni mahorat bilan ishlata oladigan asl mardlargina Vatanni, osudaligimiz bardavomligini munosib himoya qila oladilar. Shu bilan birga ro‘y berayotgan voqea-hodisalarga o‘z munosabatini bildirish va vaziyatga to‘g‘ri baho bera olish uchun posbonning bilim-salohiyati ham mukammal bo‘lishi talab qilinadi. Mavsum davomida o‘tkaziladigan jangovar o‘quv mashg‘ulotlari yurt himoyachilarini huddi shu maqsad yo‘lida tayyorlaydi. Ular tayyorgarliklarda shakllanadi, mashqlarda toblanadi. Ho‘sh, bu haqda askarlarimiz nima derkan? Keling, ularning o‘quv mavsumi boshida olgan ilk taassurotlarini birgalikda kuzatamiz.



Muddatli xizmat oddiy askari Shohruh ISMATULLAEV

– Men shu yilning bahorida muddatli harbiy xizmatga chaqirilganman.Yig‘in davomida dastlabki ko‘nikma mashg‘ulotlarini egallagach, Harbiy qasamyod qabul qildim va chin mardlar safidan o‘rin oldim. Bundan juda ham hursandman. Bizga tantanali tarzda jangovar qurollar biriktirildi. Xizmatimning ohirigacha qurolimni yaqin do‘stimdek asrab-avaylayman. U bilan yozgi o‘quv mavsumi davomida fahrli natijalarni qo‘lga kiritib, albatta eng ilg‘orlar safidan joy olishga harakat qilish umididaman.O‘quv mashg‘ulotlari bizga g‘oyat manzur bo‘lmoqda. Masalan, jangovar o‘quv-trevoga mashg‘ulotlarida tezkorlik va shaylik, vaziyatni darrov anglab etib, tegishli tarzda belgilangan tartibda harakatlanish kabilarni o‘zlashtiryapmiz. Boshqa tayyorgarlik mashg‘ulotlaridan ham posbon uchun o‘ta muhim jangovar saboqlar olyapmiz.



Muddatli xizmat oddiy askari Nodir RASHIDOV

– Harbiy xizmatga qadar huquqshunoslik yo‘nalishida tahsil olgandim. Sportning kikboksing turi bilan muntazam shug‘ullanaman. Bu erda esa mahoratim yanayam oshib, har tomonlama shakllanyapman. Xizmatga puhta tayyorlanganim va huquqshunoslik hamda sport borasida ma’lum ko‘nikmaga egaligim rosa qo‘l kelayotganini ta’kidlab o‘tishim kerak, albatta. Jismoniy va ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik fanlarida bu ayniqsa, yordam beryapti. Qiziqqanim uchunmi, mashg‘ulotlarni tezda o‘zlashtirib olyapman. Shuningdek, bizning mustaqil tayyorgarlik ko‘rishimiz uchun ham sharoitlar etarli ekan. Nasib etsa a’lo darajada xizmat qilib, kelajakda olgan bilimlarimni hayotga tadbiq etaman, deb o‘ylayman.



Muddatli xizmat oddiy askari Akbar RASHIDOV

– Men harbiy xizmatga katta qiziqish bilan kelganman, – dedi shijoatli posbon g‘ururlanib. – Mendan ilgari akam Sharof armiyada xizmat qilgan edi va uyga qaytgach, uning hotiralarini tinglab, dilimda chuqur havas uyg‘ondi. Mana, niyatim amalga oshdi. Tayyorgarlik mashg‘ulotlarini bosqichma-bosqich mahoratli va bilimdon komandirlardan o‘rganyapmiz.O‘z ishining ustasi bo‘lgan ofitserlar Olim Rashidov, Nurulla Obidov va Erkin Qurbonovlar bizga qator harbiy bilimlarni o‘rgatishyapti. Shu bilan birga yo‘lga qo‘yilgan qat’iy tartib-intizom ham muvaffaqiyatlarga erishishda asosiy omildir. Chunki qaerda yuksak tartib-intizom, sohaga mehr, burchga sadoqat va Vatanga muhabbat tuyg‘ulari yuqori bo‘lsa, u erda g‘alaba tayin demakdir. Xizmatga kelib, dilimda yana bir orzu kurtak ochdi.



Muddatli xizmat oddiy askari Muhiddin MAVLONOV

– Mashg‘ulotlar rosa manzur bo‘lmoqda, deb baralla ayta olaman. Jangovar saboqlarni ofitserlar bilan bir qatorda armiyamiz professionallaridan Bahodir Mo‘minov va Eldor Primov kabi kichik komandirlardan ham o‘rganyapmiz. Men bu sohaga juda qiziqaman. Chunki bir akam harbiy ofitser. Men ham uning izidan borib, oliy harbiy bilim yurtiga o‘qishga kirmoqchiman va kelajakda albatta ofitser bo‘lish niyatim. Hozir shu yo‘lda olg‘a intilib, ham xizmat qilyapman, ham o‘zimni yanada yuksakroq dovonlarni zabt etishga tayyorlayapman. Nasib etsa, yahshi xizmatlarim bilan elimiz koriga kamarbasta bo‘lish – yuksak maqsadim.

Askarlarning gaplarini tinglab shunga amin bo‘ldimki,yigitlarning har biri o‘z so‘ziga ega, mustaqil fikrli va etakchilik qobiliyati bor o‘g‘lonlar. Ular xizmatga yoshlik chog‘laridanoq katta qiziqish bilan jiddiy tayyorgarlik ko‘rib, sinovlarda saralanib kelishgan. Ayni paytda esa bilim va mahorati kun sayin o‘sayotganidan, jismonan va jangovarlik jihatidan pishib-toblanayotganidan, hayot maktabida shakllanayotganidan,eng muhimi, yurt xizmatini ado etishdek sharafli vazifaga loyiq topilganidan har biri mamnun. Ayniqsa, xizmat tufayli qo‘lga kiritish mumkin bo‘lgan imtiyozu imkoniyatlar, shahsan davlatimiz rahbariyatining ko‘rsatayotgan e’tiboru g‘amho‘rliklari ularni behad to‘lqinlantirishini yigitlar quvonch bilan ta’kidlashdi. Gap nafaqat xizmat davri mobaynidagi qulayliklar, balki buning kelajakda ham foydasi beqiyos bo‘lishini hisobga olsak, rostdan ham fahrlanishga arziydigan voqealar ro‘y berayotganini e’tirof etamiz. Ha, armiyamizning nufuzi kun sayin oshyapti, intellektual salohiyat rivojlanyapti. Harbiy soha fahr-iftihor kasb etib boryapti.Yigitlarimiz armiyaga borishni yuksak sharaf deb bilishmoqda, xizmatga puhta tayyorgarlik ko‘rishyapti. Qurolli Kuchlarimiz saflaridagi askarlar orasida bugun oliy ma’lumotli yigitlar ko‘pchilikni tashkil etadi. Bu esa armiyamizda bilimli, intellektual yoshlar ko‘payayotganidan dalolat. Armiyada ular jangovar va jismoniy jihatdan etilish bilan birga ma’nan ham toblanmoqda. Dunyoqarashlari, hayotiy bilimlari o‘syapti. Harbiy qismlarda bu borada juda yahshi shart-sharoitlar yo‘lga qo‘yilgan. Kutubhonalar ishlab turibdi, kitoblar, vaqtli matbuot nashrlari, tele va radioapparaturalar ular ihtiyorida. Bularning barchasi yurt himoyachilari har tomonlama etuk va malakali bo‘lishlariga xizmat qiladi.

Qismda jangovar hayot qizg‘in davom etadi. Posbonlarimizning guruhlar o‘rtasida va o‘zaro yakka tartibda ham musobaqadoshligi mashg‘ulotlar yanayam samarali o‘tishini ta’minlaydi. Yuksak ishtiyoq va g‘ayrat-shijoat o‘g‘lonlarga bu yo‘lda qanot vazifasini o‘tasa ajab emas. Umuman, yuragi yoshlikka hos g‘ayrat-shijoat tuyg‘ulariga to‘la posbonlarimizning har biri maqsad sari qat’iy intilib, doimiy izlanishda ekanligi ko‘rinib turibdi.O‘ylashimcha, huddi ana shu sifatlar ularni muvaffaqiyat sari etaklashi, shubhasiz.

Katta leytenant Jamshid MO‘MINOV.
Komoliddin TO‘RAEV suratga olgan.

Askar xizmatdan qaytdi

HAYOT MAKTABIDA TOBLANIB

Bugungi armiyaning kechagisidan farqi juda katta ekanini hammamiz yahshi bilamiz. Islohotlar sabab, milliy armiyamizning nufuzi tobora ortib bormoqda. Harbiy xizmat kun sayin faxr-iftixorli sohaga aylanib borayotgani ham ayni haqiqatdir. Birgina muddatli harbiy xizmat tufayli qo‘lga kiritish mumkin bo‘lgan imtiyozu imkoniyatlarning o‘ziyoq professionallik yo‘lida shakllanayotgan milliy armiyamiz mavqei, tutgan o‘rni qay darajada yuksakligidan dalolat. E’tiborli tomonlaridan yana biri shundaki, bugun yigitlar muddatli harbiy hizmatga borish uchun alohida tayyorgarlik ko‘rishmoqda. Chaqiruv ishlari adolatli ko‘rik-tanlov hamda puxta sinovlar bilan amalga oshirilmoqda. Jismonan, ma’nan va intellektual salohiyati jihatidan etuk, boshqalarga o‘rnak bo‘la oladigan, ilg‘or, a’lochi, bir so‘z bilan aytganda, saralar ichra sara yigitlargina o‘zbek armiyasining askari bo‘lishdek sharafli nomga munosib topilmoqda. Ularni harbiy qismlarga kuzatish va rezervga bo‘shatilganda kutib olish tadbirlari keng jamoatchilik ishtirokida bayramona tarzda o‘tkazilishi, shuningdek, Vatan ichra kichik Vatan bo‘lgan mahallaning ushbu marosimlarda faol ishtirok etishi halq va armiya yakdilligini yaqqol ifodalab turibdi. Muddatli hizmatni ado etib qaytgan yigitlarimiz o‘qiyman desa, oliy bilim yurtlari ularga quchoq ochadi, ishlayman deganlarga halq ho‘jaligining turli sohalarida bo‘sh ish o‘rinlari tayyorlab qo‘yilgan. Hunar o‘rganishni xohlaganlarga ham imkoniyatlaru qulayliklar bisyor. Eng muhimi, harbiyda xizmat qilgan yurt o‘g‘lonlari Vatan osoyishtaligini asrashdek savob ishga qo‘l urish bilan birga harbiy bilimlar, shu jumladan, keng hayotiy bilimlarni ham egallab qaytishmoqdaki, bu holat armiyaning hayot maktabi ekanini ifoda etadi.

– O‘g‘lim Jahongir yigitlik burchini o‘tab, yorug‘ yuz bilan qaytib kelganidan boshimiz osmonga yetdi, – deydi Toshkent shahar Sobir Rahimov tumanida yashovchi rezervga bo‘shatilgan askar Jahongir Ergashevning otasi Bahodir aka Ergashev. – Qarang, bugun farzandlarimiz uchun juda ajoyib shart-sharoitlar yaratilyapti. Yurtboshimiz ta’kidlab o‘tgan, “Farzandlarimiz bizdan ko‘ra kuchli, bilimli, dono va albatta bahtli bo‘lishlari shart”, purhikmat ibora yodimga tushib, qalbimni quvonch tuyg‘usi egalladi. Rahmat hukumatimizga va bolalarimizni hayot maktabida tarbiyalayotgan komandirlarga. O‘g‘limiz Alpomishdek o‘ktam, barkamol posbon bo‘lib tarbiya topibdi. Bizning davrimizda armiya butkul boshqacha edi. Kishi qayoqqa ketayotganini ham, kimga xizmat qilayotganini ham bilmasdi. Bugun esa hammasi boshqacha. Kuzatish va kutib olishlar bayramona tarzda, imtiyozu imkoniyatlar ham ajoyib ekan. O‘g‘lim chiniqib, pishib-toblanib, bilimi va dunyoqarashi o‘sib kelganini ko‘rib, ko‘nglim tog‘dek ko‘tarildi...

Bahodir aka shodligini aytib charchamasdi. Uning yonida kulib turgan jufti haloli Gulchehra opa ham fahr-iftihor tuyishini bildirarkan, onalarga hos samimiyat bilan farzandining kelajagi porloq bo‘lishini tiladi. Xullas, askar o‘g‘illari yorug‘ yuz bilan qaytganidan ushbu honadonda askar to‘yi haqiqiy shodiyonaga aylangan edi. Jahongirning o‘zi ham askarlik davri, armiya haqidagi xotiralarini bir umr unutmasligini bildirib o‘tdi.

– Xizmatda jangovar va ijtimoiy-siyosiy bilimlarni o‘rgandim, jismonan chiniqdim, hayotiy qarashlarim o‘sdi, – deydi u. – Olgan bilimlarim kelajak faoliyatimda asqotishiga, ish va turmushda qo‘l kelishiga shubham yo‘q. Xizmat qilib ota-onamni, yaqinlarimni, Vatanimni va aziz yurtdoshlarimni qo‘riqlaganimdan cheksiz fahr-iftihor tuyaman. Armiyada yurtimizning turli joylaridan kelgan mard va jasur o‘g‘lonlardan ko‘plab do‘stlar orttirganim ham qalbimga sevinch baxsh etadi. Ular safda sinalgan, ishonchli yigitlar. Jangovar komandirlarimdan ofitserlar Ulug‘bek Rustambekov, Shavkat Pardaev, Sobirjon Vohidov kabilarning bergan saboqlari ham g‘oyat qimmatli.

O‘z yigitlik burchini Havo hujumidan mudofaa qo‘shinlari va Harbiy havo kuchlariga qarashli harbiy qismlardan birida ado etgan bu o‘g‘lon osmonimiz musaffoligini asrashdek mas’uliyatli va sharafli ishga hissa qo‘shib, burchini vijdonan o‘tadi. Uning bundan buyon ham olgan bilimlarini hayotga tadbiq etib, yurtimiz rivoji yo‘lida fidokorona mehnat qilishiga ishonamiz.

Katta leytenant Sardor KOMILOV.



POSBONLAR IJODIDAN

ASKARMIZ

Askarmiz mard va jasur,
Qadam tashlaymiz mag‘rur,
Qo‘lda qurol postdamiz,
Sergakmiz kecha kunduz.
Qo‘riqlaymiz Vatanni,
Biz uchun buyuk sha’nni.
Temur avlodlarimiz,
Elning farhodlarimiz.
Yov kelsa tishlaydi er,
Bizni o‘zbek mardi, der.

Oddiy askar Hurshid HAMDAMOV.

O‘ZLIGINGNI BIL

Ona er tuprog‘in asragin o‘g‘lon,
Kerak chog‘ yurt uchun fido qilgin jon.
Jahon maydonida mag‘rur yangrasin,
Farzandlari jasur o‘zbek degan nom.
Yurtim o‘g‘lonlari har ishga qodir,
Vatan erki uchun alpu bahodir,
Dunyoda bittadir aziz Ona yurt,
Ey o‘g‘lon o‘zbeksan, o‘zligingni bil.

Oddiy askar Bahtiyor SHODIEV.

SO‘RAGAN EKANSIZ

HAVFSIZLIK TALABLARIGA RIOYA QILSANGIZ

Saf tayyorgarliklari, dala-o‘quv mashg‘ulotlarida jangovar qurolni ishlatishdagi o‘ziga hosliklar, uning havfsizlik talablari borasida ma’lumot bersangiz.

Oddiy askar Nodir HOJIEV.

Saf tayyorgarligi mashg‘ulotlarini qurol usullari bilan bajarishda quyidagilar taqiqlanadi:

qurolni boshqa harbiy xizmatchilar tomon yo‘naltirish; o‘zining qurolini o‘zga shahsga berish; qurolni saf maydonida tashlab ketish; saf usullarini bajarishda qo‘ndoqni erga qattiq urish; mashg‘ulotlar orasidagi tanaffuslarda qurolni (piramida ko‘rinishida) yig‘ib qo‘yish; qurolni saqlagichdan echish; qurolni zaruratsiz jangovar holatga keltirish.

Dala mashg‘ulotlari mobaynida esa quyidagilar taqiqlanadi:

qurolni saf nizomi talablarini buzgan holda olib yurish; qurol o‘qlangan yoki o‘qlanmaganidan qat’i nazar harbiy hizmatchilar tomon yo‘naltirish; qurolni erga, balchiqqa, suvga tashlash; stvol va stvol qutisini har hil latta, bint va shu kabi matolar bilan o‘rash; qurolning gaz kamerasi ichini qiradigan qum va boshqa materiallar bilan tozalash; o‘qotar qurolni qismlarga to‘liq ajratish; benzin va dizel yonilg‘isi bilan qurol tozalash.

Kitob – bilim manbai

AHDNI QUCHAY, BAXTNI QUCHAY DESANGIZ...

Tinchlikning zo‘r kaliti bor qatlarida,
Ezgulikdir, adolatdir shartlarida.
To‘g‘ri yo‘lni topgan doim kitob o‘qib,
Kitobga o‘ch o‘zbegimning mardlari-da.

– Askarlarimiz bo‘sh vaqtlarini qanday o‘tkazishadi? Qaysi birlari sport bilan shug‘ullanadi, tosh ko‘taradi, turnikda tortiladi, yuguradi. Qaysi birlari film tomosha qiladi, konsert ko‘radi, musiqa eshitadi. Oddiy askarlar: Husniddin Abduqodirov bilan Jo‘rabek Qodirov bo‘sh bo‘ldi deguncha, qism kutubxonasi tomon oshiqishadi, – deydi guruh komandiri kichik serjant Abdujabbor Qolqonov. – Hozir ham ular kutubxonada.

Biz ularni ana shu joyda uchratdik.

– Badiiy kitoblar o‘qishni yaxshi ko‘raman, – deydi Husniddin. – Odil Yoqubov, Pirimqul Qodirov, Said Ahmad, Hudoyberdi To‘xtaboyevning asarlarini sevib mutolaa qilaman. Ayniqsa, harbiy mavzudagi asarlarni ko‘p o‘qiyman. “Vatanparvar” gazetasining har bir yangi sonini intizorlik bilan kutaman. Muddatli harbiy xizmatni tamomlagach, harbiy oliy o‘quv yurtiga o‘qishga kirmoqchiman.

– Men texnikaga qiziqaman, – deydi Jo‘rabek. – Haydovchilik kasbini egallaganman. Xizmatimdan so‘ng texnikaga oid biror oliy o‘quv yurtida o‘qish niyatim bor. Badiiy kitoblar o‘qishga ham ishtiyoqim baland. Rostini aytsam, kitob o‘qishning zavqi boshqachada.


Oddiy askar Husniddin Abduqodirov Andijon viloyatining Xonobod shahridan. Oddiy askar Jo‘rabek Qodirov Qashqadaryo viloyatining Kitob tumanidan. Ular muddatli hizmatni o‘tash chog‘ida bir-biri bilan tanishdi, do‘stlashdi.

– Kitob o‘qish bizning a’lo xizmat qilishimizda muhim rol’ o‘ynayapti, – deyishdi ular. – Kitob bilim manbai-da. Faqat uni sinchiklab o‘qish kerak. O‘qish, uqish zarur. Ijtimoiy-siyosiy va boshqa tayyorgarliklar bo‘yicha yaxshi natijalarni qo‘lga kiritishimizda ko‘p kitob o‘qiyotganligimiz foyda beryapti.

Biz shunga amin bo‘ldikki, kitobsevar askarlar kitob bilan do‘stlashib, hali ko‘p muvaffaqiyatlarni qo‘lga kiritishadi. Axir aytishadi-ku, yuzga kirsang, yuz yil o‘qi, deb. O‘qib-o‘rganish barcha yutuqlarning kaliti hisoblanadi.

Ko‘p narsani bilay degan, kitob o‘qir,
Keng dunyoni ko‘ray degan, kitob o‘qir.
Ahdni quchib, baxtni quchib, bu olamda
Davru davron suray degan kitob o‘qir.

Abdurazzoq BAYRAMOV,
Komoliddin TO‘RAEV suratga olgan.



АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

В ИНТЕРЕСАХ КАЖДОГО ИЗ НАС



Статистика показывает, что в подавляющем большинстве случаев люди получают различной степени травмы именно в результате дорожных аварий. Не радуют и цифры смертности из-за ДТП.

По мнению специалистов, пристегнутый ремень безопасности при ударе предотвращает травмы головного мозга и грудной клетки. Поэтому почти во всех странах мира использование ремня безопасности – повседневная норма. Согласно Постановлению Кабинета Министров «О мерах по обеспечению безопасности водителей и пассажиров транспортных средств» эта норма станет обязательной с 1 июля и в Узбекистане.

По инициативе Президента И.Каримова в республике последовательно осуществляются и другие мероприятия, направленные на обеспечение безопасности граждан. В частности, положительные результаты дают меры по упорядочению перевозки пассажиров автомобильным транспортом, повышению качества оказания транспортных услуг.

Принятое Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по обеспечению безопасности дорожного движения», согласно которому с 1 января 2007 года водителям во время управления транспортным средством запрещается пользоваться мобильным телефоном, способствует значительному снижению дорожно-транспортных происшествий в стране. Движение на дорогах стало безопасней. Водители стали более внимательными, потому что при необходимости разговора по телефону стали припарковываться. Культура поведения на дорогах и водительская этика стали заметно выше.

– Согласно Постановлению Кабинета Министров «О мерах по обеспечению безопасности водителей и пассажиров транспортных средств», принятому 6 марта 2007 года, начиная с 1 июля 2007 года при движении на транспортном средстве, конструкцией которого предусмотрены ремни безопасности, водитель обязан быть пристегнутым и не перевозить не пристегнутых пассажиров, – прокомментировал офицер ХАН Министерства обороны Республики Узбекистан Хуснуддин Адилов. – Использование ремня безопасности при движении на транспорте является эффективным средством обеспечения безопасности водителя и пассажиров. Не пристегнутые водитель и пассажиры при возникновении ДТП могут сильно удариться, получить телесное повреждение и тяжелые травмы.


Однако в постановлении есть и исключения. Могут не пристегиваться ремнями безопасности дети до 12 лет, находящиеся на заднем сидении, инструктор по вождению, когда транспортным средством управляет обучаемый, беременные женщины, больные пассажиры, состояние которых не позволяет пристегиваться ремнем безопасности, водители, выполняющие маневр движения задним ходом, при движении в населенном пункте – водители линейных такси, пассажиры на заднем сиденье такси, водители и пассажиры специальных транспортных средств, имеющих соответствующие цветографические схемы, нанесенные на наружные поверхности.

Что ж, до 1 июля остаются считанные дни, водителям пора привыкать к новым нормам. Каждый случай, связанный с транспортом, касается не только лица, управляющего автомобилем, но и людей, находящихся внутри него и вокруг. От ошибки, невнимательности и пренебрежения правилами одного не должны страдать другие. А поэтому строгое соблюдение требований безопасности дорожного движения – в интересах каждого из нас.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

Ўқув-услубий йиғин

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ



Ўқув йили режасига асосан ҳарбий округлар, қисм ва муассасалар ёқилғи ва мойлаш маҳсулотлари таъминоти хизмати, ҳудудий ёқилғи таъминоти марказлари бошлиқларининг уч кунлик ўқув-услубий йиғини бўлиб ўтди. Йиғилганлар Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, хизмат бошлиқлари офицерлар – Т.Ҳикматуллаев, Ш.Сафаров, Ҳ.Абдураззоқов, Б.Агзамов, Д.Маҳбубов, А.Аминжонов, Ф.Хўжаев, О.Пармонқулов ва бошқаларнинг чиқишларини диққат билан тингладилар. Маърузачилар ёқилғи ва мойлаш маҳсулотлари таъминотини тўғри ташкиллаштириш, уларни ташишда энг қулай транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш, сифат ва тежамкорликни ошириш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Шунингдек, ислоҳотлар жараёнида янги технологиялар, компьютерлардан янада кенг фойдаланиш, кадрлар малакасини ошириш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар хусусида ҳам кенг маълумот берилди.

Назарий ва амалий машғулотлар ва маърузалар ўқув нуқталарида, кўргазмали қуроллар воситасида ташкил этилганлиги йиғиннинг самарадорлигини янада оширди. Йиғинда Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи полковник С.Мараимов ҳам иштирок этиб, бугунги кунда соҳа ходимлари олдида турган муҳим вазифалар, келгуси режалар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Лейтенант Авазбек ЭРНАЗАРОВ.

КЎНИКМАЛАР ШАКЛЛАНМОҚДА

Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Чирчиқ шаҳрида «Бошқарув органлари ва Фавқулодда вазиятлар давлат тизими ҳудудий қуйи тузилмалари бўғинларининг техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракати» мавзуида қўмондонлик-штаб ўқув машқи ўтказилди. Ундан кўзланган асосий мақсад фуқаро муҳофазаси хизматлари, иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари ҳамда фуқаро муҳофазаси тузилмалари бошлиқларининг фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда амалий кўникмаларини шакллантириш, шаҳар фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларининг тайёргарлигини янада оширишдан иборат эди.

Машқ ғоясига кўра, шаҳар ҳудудига хос бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мавзу сифатида танлаб олинди. Шартли вазият раҳбарлар таркибига етказилди ва тегишли вазифалар белгиланди.

Машқлар мобайнида айниқса Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тез ҳаракат қилиш махсус отряди қутқарувчиларининг амалий ёрдами алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Қутқарувчиларнинг воқеа жойига тезкор ҳолатда етиб келиб, ҳудудни кимёвий моддалардан зарарсизлантириш бўйича қилган саъй-ҳаракатлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Ҳар жиҳатдан етук ва қутқарув ишида катта малакага эга бўлган Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчилари ҳам ўтказилган машғулотларда ўз маҳоратларини муносиб намоён қилдилар.

Қўйилган вазифалар тўла бажарилди ва унинг натижасида фуқаро муҳофазаси раҳбар органлари тузилмаларининг шахсий таркиби, коллеж талабалари ва мактаб ўқувчилари, шунингдек, аҳолининг маълум қисми тегишли кўникмаларга эга бўлдилар.

Умида ҲАСАНОВА,
Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг ахборот гуруҳи етакчи мутахассиси.









Офицер – профессия героическая

ЧЕРЕЗ ПРИЗМУ ЗАВЕТОВ ВЕЛИКИХ ПРЕДКОВ

Продолжая разговор о героической профессии офицера, думается, есть необходимость поговорить о воинской дисциплине, о дисциплинированности, как важнейших моральных качествах личности, и о некоторых основных составляющих крепкой воинской дисциплины через призму заветов великих предков.

Дисциплина – понятие сложное и многогранное. Она выступает важнейшим средством регулирования отношений между личностью и государством, личностью и обществом, личностью и коллективом, а также между людьми. Ей присущи сознательный характер, коллективизм и товарищество, гуманизм и демократизм. Это в полной мере относится и к воинской дисциплине как важнейшему средству сплочения Вооруженных Сил, укрепления в них организованности и правопорядка, превращения их в единый, спаянный, надежно управляемый организм, способный решать самые ответственные задачи по защите нашей независимой Родины.

Воинская дисциплина, которую мы понимаем как строгое и точное соблюдение порядка и правил, установленных законами и воинскими уставами, не является категорией только военно-этической. Она весьма синтетична, хотя бы потому, что в ней в юридической форме закреплены как политические, так и нравственные требования нашего общества и государства. Ее характер объясняется особенностями нашей военной организации, в которой каждая личность и каждый коллектив должны беспрекословно подчиняться единой воле, строжайшим правилам и нормам поведения.

Воинская дисциплина требует повседневного соблюдения всех без исключения правил, установленных в армии. Привычное исполнение установленных правил делает дисциплинированность прочным и устойчивым качеством, необходимым в любых условиях и в любой сфере военной деятельности. Однако выработка этого важнейшего качества, особенно на первых порах службы, не всегда проходит гладко. Нужны для этого не только время, но и осознание необходимости строжайшей дисциплины и осознание себя как личности.

На чем базируется это понимание? Во-первых, на глубоком знании и уважительном отношении к требованиям воинских уставов и воинской дисциплины. Во-вторых, на необходимости учета в практике формирования личности наших национальных корней. Надо всегда помнить, что сила духа каждого из нас, наше внутреннее мироощущение, национальный менталитет – это предмет особого внимания.

Обращаясь к творчеству великого Амира Темура или Алишера Навои, Бобура или Улугбека, вы откроете богатейшую сокровищницу знаний, опыта, добрых советов и мудрых рекомендаций. Из глубины веков высвечивают они и раскрывают мир с вечных человеческих позиций, призывая при этом не к насилию, а к терпению и любви, не к вражде, а к взаимопониманию и дружбе.

В своем знаменитом «Уложении» Амир Темур пишет: «Я всегда с уважением относился к солдатам», «Чтобы воодушевить офицеров и солдат, я не жалел ни золота, ни драгоценных камней; я их допускал к своему столу, а они жертвовали для меня своей жизнью в сражениях. Оказывая им милости и входя в их нужды, я обеспечивал за собой их привязанность». Из этих высказываний Сахибкирана следует четко сформулированный завет: знать своих подчиненных, уважать их, быть близким к ним.

Подчеркнем особо: близость к людям – черта командирская. Он обязан знать, чем живет его подчиненный, что его радует, к чему он стремится в службе, что его тяготит, чем он озабочен, какое у него положение дома, каким он видит свое будущее после службы в армии, чем он интересуется и что любит.

Ҳазрат Амир Темурнинг шахс сифатидаги энг ёрқин томонларидан бири Ватан ҳурматини, шарафини ҳар нарсадан юқори қўйганлигидадир. Ёзувчи романда Соҳибқиронни шундай бир вазиятда кўрсатадики, унда Амир Темурнинг ватанпарварлик туйғуси ярқ этиб кўринади. Суюкли ўғли Жаҳонгир Мирзо ногаҳонда бетобланиб қолган, келинлари Хонзода хоним ва Бахт Мулк оқанинг ой-кунлари етиб турибди. Қисқаси, Соҳибқирон бир ота сифатида Самарқандда бўлиши керак... Ёзувчи бу ҳолатни шундай тасвирлайди: «Аммо, шу палла Ватанга душман бостириб кирган, ёт оёқлар она тупроқни топтаб юрибди, буни кўриб қайси мард тинч қараб турар экан? Ким-ким, аммо Амир Темур Кўрагон бунга чидай олмайди! Зинҳор! Хўш, қандай йўлни тутмоқ лозим? Самарқандда қолсинми, душман ёққа отлансинми?.. Қандай қарорга тўхталсин? У Жаҳонгир Мирзога қаради – амирзода ўшандай бир маромда нафас олганча ухлар эди. Кейин келинларини ўйлади...» Амир Темур фарзандларини ўйлаб қанчалик хаёлга берилмасин, кўз олдидан душманларнинг унинг юртида кайфу сафо қилиб юрганлари ўтаверади... Ана шунда Амир Темурнинг бутун ички дунёси жунбушга келади: «Фавқулодда келган ғазабдан кўзларига қон қуйила бошлади! Ёт оёқлар она тупроқни топтаб юрибди... Ватан баридан муқаддас! Ундан ёғий изини қириб ташлаш керак! Ҳа, душман изини қириб ташлаш керак! Жетага юриш қилиш зарур! Жетага!.. Жетага!..» (Биринчи китоб «Жаҳонгир Мирзо», 314-бет).

Шундай қарама-қарши ўй-хаёллар гирдобида қолган Амир Темур бошқа ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб ёғийни бартараф этишга отланади. Ҳолбуки, бу ишни Соҳибқирон биронта амирига, моҳир лашкарбошисига буюриб ҳал қилиши ҳам мумкин эди. Аммо Соҳибқирон бундай қилмади. Чунки Ватан сарҳадини қўриқлашни ўзининг ҳамиша биринчи даражали, олий бурчи деб билган. Бу романда жуда яхши ва ишонарли кўрсатиб берилган.

Амир Темур ҳақидаги тарихий китобларни ўқиганимизда ҳам, «Темур тузуклари»ни мутолаа қилганимизда ҳам Амир Темурнинг ниҳоятда кечиримли инсон бўлганлигини кўрамиз. Буюк бобомиз гуноҳ қилганларга жуда бағрикенглик билан қараб кечирарди. Яхши сўз билан душманларни ҳам ўзига эл қилиб оларди. Аммо Ватан хоинини кечириши қийин эди. Бунга мисоллар жуда ҳам кўплаб топилади, романда улар ҳақида батафсил ўқий оламиз.

Масалан, романда келтирилишича, Амир Темурнинг куёви Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак қисматини олиб кўрайлик. Йўлдан адашган бу ўзбошимча амир душманлар билан тил бириктириб қолади ва Амир Темурга қарши курашмоқчи бўлади. Табиийки, Ватан хоини муносиб жазосини олади.

Романда Амир Темурнинг Ватан равнақи йўлида қилган ишлари – муҳташам иморатлар қуриши, гўзал боғлар барпо қилиши, ариқлар қаздириб, кўприклар солиши жуда яхши ёритилади. Ҳақиқий Ватан фидойиси учун Ватанга қилинадиган эзгу ишнинг катта-кичиги йўқ. Ҳазрат Амир Темурнинг ватанпарварлик туйғуси жуда кенг маъно касб этади. Унинг учун Ватанга бир туп дарахт ўтқазиш ҳам, дабдабали саройлар бунёд этиш ҳам бирдек аҳамиятли ва қадрли. Унинг учун муҳими, юрт учун эзгу ишлар қилиш.

Бугунги кунда Ватанимиз дунёга юз очаётган, жаҳон халқлари эътиборини кундан-кунга ўзига тортаётган бир паллада ёшларимиз қалбида Ватан туйғусининг мустаҳкамланиши, ўзбекона ғурур туйиши, маънавий баркамоллашувида адабиётимизда Амир Темур образини «Улуғ салтанат» романидагидек киши қалбини тўлқинтирадиган даражада яратилиши катта аҳамият касб этади. Айниқса, ёшлар учун бирор бир идеал сиймонинг бўлиши, ўша сиймодай бўлишга интилиши уларга катта руҳий мадад бўлиб кучига куч қўшади.

Ўзини ватанпарвар, Ватан ҳимоячиси деб билган ҳар бир ёш қалб учун Амир Темур сиймоси ҳамиша ватанпарварликнинг олий тимсоли бўлиб қолажак.

Биз ёшларга илҳом берган «Улуғ салтанат» тарихий романини Давлат мукофотига номзодлар рўйхатида кўриб хурсанд бўлдик ва юксак мукофотга муносиб деб биламиз.

Комрон Бек,
Ўзбекистон миллий университети журналистика факультети талабаси.

БОШҚАРУВ САНЪАТИ

Қадимги юнон табобат илмининг асосчиси Гиппократ «санъатлар ичида энг кераклиги ва зарурлиги, бу табобат санъатидир» деган эди. Буюк олимнинг фикрига эътироз билдирмаган ҳолда, ҳозирги давр тараққиёти ва ривожланиши, бутун дунёда, жумладан, мингтақамизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, таҳликали мураккаб ҳодисалар ва фавқулодда вазиятлардан келиб чиқиб; санъатлар ичида энг муҳими, энг қийини ва энг мураккаби – бу бошқарув санъатидир, – деган бўлар эдик. Баъзи бировлар «бошқарув ҳам санъатми?» – деб эътироз билдиришлари мумкин. Лекин ҳамма ҳам билиб-билмаган ва сезиб-сезмаган ҳолда, бошқарувнинг у ёки бу соҳаси билан шуғулланаётганликларини, бу эса, ўз навбатида, улардан маълум қобилият, истеъдод ва тадбиркорликни талаб қилаётганлигини пайқамайдилар. Инсон ҳеч бўлмаса, ўзини-ўзи бошқариш тамойилига амал қилмасдан яшай олмайди. Бизга жуда осон туюладиган оддий оила бошқарувини олиб кўрайлик. Бу ҳам давлат аҳамиятига молик ижтимоий бошқарув тизимига киради.

Ҳар бир оилани бошқаришда иқтисодий-ижтимоий, ахлоқий-эстетик, маънавий-руҳий муаммолар мавжуд бўлиб, улар ўз ечимини топиши учун оила бошқарувчисидан катта меҳнат, ишбилармонлик, уддабуронлик ва фаҳм-фаросатни талаб қилади. Зеро, оила жамиятнинг асосий негизини, бошланғич бўғинини-ташкил этади. Шу боис, оила равнақи, унинг тинчлиги ва осойишталиги, бола тарбияси ва камолоти жамият учун жуда аҳамиятли нарса. Агар жамиятда адолат мезонлари асосида бошқарув йўлга қўйилган бўлса, бундай жамиятда оилалар осудалиги ва барқарорлиги ҳукм суради. Бу ўз навбатида жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишига олиб келади. Бу борада мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар, илмий дастурлар яратилмоқда. Мамлакатда самарали, кутилган натижаларни берувчи бошқарув механизмларини яратиш ва амалиётга жорий этиш жараёни юз бермоқда. Бу жуда мураккаб жараён бўлиб, мамлакатдаги барча потенциал ва интеллектуал кучларни бирлаштиришни, ҳозирги вақтда кучайиб бораётган интеграцион жараёнлар ва халқаро ахборотлар воситаларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Ва ўз навбатида ҳаётнинг барча жабҳаларида рақобатни кучайтириб, истиқболли ислоҳотларни тезлаштиришга, демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришга, ўзини-ўзи бошқариш тизимини мукаммаллаштиришга ва охир-оқибат халқимизнинг турмуш даражасини юқори даражага кўтаришга олиб келади.

Ҳар қандай бошқарув тизимининг ривожи ва самараси аҳолининг тинимсиз ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилмоғи керак. Бошқачароқ айтадиган бўлсак, мамлакатимизда илғор бошқарув (раҳбарлик) усулларини яратиш ва ҳаётга жорий қилиш, шубҳасиз, халқимизни бахт-саодат йўлига олиб чиқувчи кучли қуролга айланмоғи даркор. Ўз халқининг тинчлиги, равнақи ва фаровонлигини ўйлаб иш юритишга бел боғлаган раҳбар, энг аввало, ҳар томонлама «омма»дан юқорироқ туриши, ўзида етакчилик сифатларини тарбиялаб бормоғи, бой билим эгаси ва тадбиркор бўлмоғи, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларни, яхши одат ва ҳаракатларни тани ва руҳида мужассамлаштира олмоғи лозим. У биринчи навбатда, ўзига нисбатан ўта талабчан бўлмоғи, қатъиятлилик хислатини ривожлантирмоғи, уни одамларга нисбатан қўллашда меъёрга амал қилмоғи, жисмонан бақувват, руҳан тетикликка интилмоғи керак бўлади. Аниқроғи, «Руҳни соғлаштирмай туриб, танани даволаб бўлмайди» (Суқрот), «Вужуд руҳнинг амрига мойилдир» (Ибн Сино) деган ҳикматли сўзларга амал қилиш керак.

Бошқариш санъатининг сир-асрорларини астойдил эгаллашга интилган ҳар бир раҳбар, бошқарувнинг янги усул ва шаклларини аниқ тасаввур қилган ҳолда барча етакчиларга хос бўлган яхши фазилат ва ахлоқий-эстетик сифатларни ўзида шакллантириш борасида қайғурмоғи, «Ўзинг раво кўрмаган барча иллатларни бошқаларга ҳам раво кўрмасликка» (Конфуций) ҳаракат қилмоғи мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина раҳбар бошқарувнинг барча синовларидан муваффақиятли ўтиши, тўсатдан, кутилмаган вақтда пайдо бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан ўзини йўқотмай чиқиб кетиши ва яна ақл-идроки ва совуққонлик билан ишни давом эттириши мумкин.

Инсоният тарихидан маълумки, сиёсий етакчилар, раҳбар ходимлар кўп ҳолларда мамлакатда юз берган фавқулодда вазиятларда, Ватанни ҳимоя қилиш пайтида бор қобилият ва истеъдодларини ишга солиб, халқ ҳурматига сазовор бўлганлар. Шу аснода ўтган буюк мутафаккирлар, жумладан Абу Наср Форобийнинг раҳбарлик лавозимига даъвогарлик қилувчи шахсларга нисбатан билдирган фикр ва мулоҳазалари билан танишиб чиқиш ўринлидир. Унинг ёзишича, аҳолини бошқариш икки хил бўлиб, юксак ахлоқ ва адолат тамойиллари асосида олиб бориш яхши самара беради.

Улуғ мутафаккирнинг фикрича, бошқарув бошида турган раҳбар, кишиларни адаштирувчи, уларни чалғитиб нотўғри йўлга солиб қўядиган усулларни қўллашдан жуда эҳтиёт бўлиши зарур.

Бошқарув чуқур илмий-назарий қонуниятлар асосида олиб борилиши ва бундай бошқарув санъати муттасил илм олиш, малака ошириш эвазига амалга оширилиши аниқ ва равшандир, ва аксинча, раҳбар киши адолат мезонига амал қилмаса, уни донишмандлик тарк этиб, жоҳиллик, ғазаб ва жизғакиликка дучор бўлади. Ана шунда у одамларни ўзига бўйсундиришнинг номақбул усулларини қўллашга мажбур бўлади. Шу боис, дунё мутафаккирлари ҳукмдорларни доимо халққа яқин бўлишга, унинг дард ва қайғуларига шерик бўлишга, тирналган яраларига малҳам бўлишга, кўпчиликка манзур сиёсат юргизишга чақирганлар. Шу муносабат билан Форобийнинг қуйидаги сатрлари беихтиёр хотирамизга келади. «Фуқаролар билан мулоқот усуллари ва уларга таъсир ўтказиш йўллари содда ва тушунарли бўлмоғи лозим. Акс ҳолда одамлар ҳукмдорни тушунмайдилар ёки унинг талабини бажара олмайдилар. Ҳукмдорлар дорини беморнинг севимли ва кўп танаввул қиладиган таомига қўшиб ичирадиган маҳоратли табибга ўхшамоқлари лозим. Зеро, меҳру муҳаббат ва рағбатлантиришлар фуқаролар билан муомаланинг энг асосий усулларидир». Қаранг, улуғ алломанинг неча-неча асрлар илгари айтган фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай, жаранглаб турибди.

Ҳа, ҳар жабҳада ота-боболаримиздан қолган олтин меросга, уларнинг панду насиҳатларига амал қилсак, ҳеч қачон янглишмаймиз. Ўзимизнинг, ўзганинг ҳам қадрига етамиз.

Қодиржон ОФАРИНОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.
Майор Мақсуд ТЎРАЕВ.

Мавсум тараддуди

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЖОНЛАРНИ КУТМОҚДА

Мана, кўпчиликнинг, айниқса болажонларнинг севимли фасли ҳам келди. Бугун – ёзнинг илк кунларида ёш ўғил-қизлар ўқув йилидан кейинги таътилни қаерда ўтказиш ҳақида фикр юритаётган бўлса, ажаб эмас. Ишонч билан айтиш мумкинки, Мудофаа вазирлигига қарашли болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олган ёшларнинг қарори олдиндан маълум. Улар бу сафар ҳам севимли масканларига тезроқ йўл олишни, баъзилари бир йил давомида кўришмаган дўстлари билан учрашишни, жазирама-иссиқ кунларда сўлим, салқин жойларда таътил гаштини суришни жуда-жуда истайдилар. Хўш, оромгоҳлар уларни кутиб олишга тайёрми? Бу борада қилинаётган ишлар хусусида Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази билан боғланиб, маълумотлар олдик.

Аввало, айтиш жоизки, бу йил Мудофаа вазирлигининг болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчилари фарзандларини уч сменада қабул қилади. Чирчиқ гарнизонидаги «Тонг» оромгоҳи 15 июндан 18 августга қадар, Самарқанд гарнизонидаги Ёқуб Турсунов номидаги оромгоҳ эса 12 июндан 11 августгача 7-14 яшар ўғил-қизлар ихтиёрида.

Болажонларнинг ёзги таътилни мароқли ва мазмунли ўтказишларини таъминлаш, кўнгилдан ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ниҳоясига етиб қолди. Албатта, биринчи навбатда дам олувчилар хавфсизлигини таъминлаш ва соғлиғини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борадаги ишлар ёнғин хавфсизлиги ва тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда олиб бориляпти. Тегишли объектларни ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш, электр симлари ва жиҳозлар, бинолар ёнғин хавфсизлиги ҳолатини текшириш, оромгоҳ ҳудуди, ошхоналар, чўмилиш ва маҳсулотларни сақлаш жойлари, сув таъминоти манбаларидаги санитар-эпидемиологик текширувлар шулар жумласидандир.

Таъмирга муҳтож бино хоналарида таъмирлаш ишлари олиб борилиб, оромгоҳлар кўргазмали воситалар, ҳар хил адабиётлар, мебеллар ва бошқа маиший жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда.

Ҳар доимгидек, болалар соғломлаштириш масканларига тарбиячи ва уларнинг ёрдамчиларини жалб этиш танлов асосида амалга оширилди. Маълумки, уларнинг бу борадаги тажрибаси ва болалар билан ишлаш услуби, иш жойидан берилган тавсиянома ва касбий малакаси ҳал қилувчи мезон саналади.

Шунингдек, фаолият кўрсатувчи турли тўгараклар ишини ташкил этишда, уларнинг самарадорлигини янада ошириш, қолаверса, ёш ўғил-қизлардан иборат дам олувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида қизиқарли мусобақалар, интеллектуал салоҳиятни оширувчи ўйинларга катта эътибор қаратиш, янгича педагогик ёндашувларни жорий этиш режалаштирилган.

Дарвоқе, болажонларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларни янада чиниқтириш, спортга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилувчи спорт мусобақалари турини кўпайтириш, сув ҳавзалари, спорт майдончалари ва зарур анжомларни кўнгилдагидек ҳолатга келтириш муҳим вазифалардандир.

Хулоса қилиб айтганда, оромгоҳлар ёз мавсумига, болажонларни кутиб олишга шай, тайёр.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

Шифокор маслаҳати

ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН САҚЛАНИНГ

Аҳоли орасида тез-тез учраб турадиган ўткир юқумли ичак касалликлари айнан ёз фаслининг иссиқ кунларида кўпаяди. Жумладан, июнь-сентябрь ойларида ич терлама, ичбуруғ, овқат токсикоинфекциялари, сальмонеллёз каби касалликларнинг тарқалиш хавфи кучаяди.

Ушбу касалликлар асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик суви орқали тарқалади. Кўпинча ифлосланган қўл орқали ҳам юқади. Унинг тарқалишига жойларнинг санитария–гигиена талабларига жавоб бермаслиги, касаллик қўзғатувчиларини ташувчи пашшалар ҳам сабабчи бўлади. Пашшаларнинг кўпайганлигига қараб, атроф-муҳитнинг қанчалик даражада ифлосланганлигини англаб олиш мумкин.

Шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда, маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва тарқатишда, овқатланиш жойларида умумий ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик ҳам овқатдан заҳарланиш ва юқумли касалликларнинг пайдо бўлишига замин яратади.

Касаллик манбаи – бемор одам ҳисобланади, баъзи ҳолларда бемор соғайгандан кейин ҳам соғлом бактерия ташувчи бўлиб, узоқ вақт давомида касаллик қўзғатувчиларини ажратиб, тарқатиб юриши ва соғлом одамларга юқтириши мумкин. Айниқса бу ҳолат касалликнинг енгил, сезиларсиз шаклини бошидан ўтказганларда кўп кузатилади. Қўзғатувчилар бемор нажаси билан ажралиб чиқиб тупроқ, сув, ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари ва уй жиҳозларига тушади. Юқумли ўткир ичак касалликларнинг барчаси қўзғатувчиларнинг оғиз орқали ошқозон-ичак йўлларига тушиб кўпайиши ва касаллик қўзғатиши билан тавсифланади. Касаллик қўзғатувчи микроблар ва уларнинг токсинлари нафақат ошқозон-ичак тизими фаолиятининг бузилишини келтириб чиқаради, балки асаб, жигар, талоқ ва бошқа ички аъзолар фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган касалликларнинг кўпчилиги ич кетиши оқибатида одам кўп миқдорда сув йўқотиб ҳолсизланиши билан кечади. Суюқлик билан биргаликда кўплаб микроэлементлар организмдан чиқиб кетиши сабабли, юрак-қон томир тизимига салбий таъсир кўрсатиши, ҳамда инсон ҳаётига хавф туғдириши мумкин.

Ўткир юқумли ичак касалликлари қўзғатувчилари ташқи муҳит шароитларига нисбатан чидамлидир, лекин санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш орқали улардан халос бўлиш қийинчилик туғдирмайди.

Ёзнинг иссиқ кунларида кўчаларда, бозор ва аҳоли гавжум жойларда ноқонуний тайёрланган, санитария- гигиена талабларига жавоб бермайдиган тез бузилувчи қандолат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни ҳар хил ширинликлар, сомса, айрон, гўжа, ўрик шарбати ҳамда бошқа яхна ичимликларни истеъмол қилишдан сақланишимиз даркордир. Шунинг учун бундай озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ҳарбий қисм ҳудудига яқин жойларда қатъиян ман этиш лозим.

Доимий равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишловчи ходимлар орасида ичак касаллиги билан оғриган бемор ёки ташувчиларнинг ўз вақтида аниқланмаслиги шахсий таркиб орасида гуруҳли ичак касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўткир юқумли ичак касалликларига чалинмаслик учун қуйидаги маслаҳатларга қатъий амал қилинг:

– мева ва сабзавотларни фақат қайнатилган сувда ювиб, сўнг истеъмол қилинг;

– ҳар доим, айниқса ҳожатдан кейин ва овқатланишдан олдин қўлингизни совунлаб ювинг;

– ичимлик сувини фақатгина қайнатиб истеъмол қилинг;

– нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини полиэтилен халтачалар ёки усти берк идишларда салқин жойда сақланг;

– ётоқхона ҳамда умумий яшаш жойларингизни доимо озода тутинг;

– пашшаларнинг кўпайишига йўл қўйманг, бунинг учун қисм ҳудудини мунтазам равишда чиқиндилардан тозалаб туринг;

– овқатланиш объектларининг ҳамда умумий фойдаланиш жойларининг ифлосланишига йўл қўйманг;

– озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, ташиш ҳамда уларни тарқатишда санитария қоидаларига риоя қилинг;

– идиш–тавоқлар махсус воситалар билан ювилгандан сўнг қайноқ сув билан чайинг ёки зарарсизлантирувчи эритмалардан фойдаланинг;

– ошхона чиқиндиларини ёпиқ идишларда сақланг, ҳар куни олиб чиқиб кетилишини таъминланг, чиқиндихоналарни дезинфекция воситалари ёрдамида зарарсизлантириб туринг;

– очиқ сув ҳавзаларидан сув ичманг, ман этилган жойларда чўмилманг.

Агарда сизда кўнгил айниб, қоринда оғриқ пайдо бўлиб, ич кетиши аломатлари кузатилса тезда тиббиёт ходимларига мурожаат этинг.

Шуни билингки, ўзбилармонлик билан ҳар хил дори-дармонларни истеъмол қилиш касалликнинг сурункали кечишига ва ҳар хил асоратларга олиб келиши мумкин.

Тиббий хизмат капитани Бобомурод ТЎРАЕВ.

Халқаро атроф-муҳитни ҳимоя қилиш куни

ТАБИАТНИ АСРАШ – КЕЛАЖАКНИ АСРАШ

Нафсиламрини айтганда, атроф-муҳитни ўз-ўзимиздан, нафсимиз билан боғлиқ иллатларимиздан ҳимоя қиламиз. Бугун бир нарса аён – табиатни асрасак ўзимизни, келажагимизни асраган бўламиз. Бундай дейишимизга ҳар томонлама асос бор.

Гуруч, буғдой ва маккажўхори инсоннинг асосий истеъмол маҳсулотлари сирасига киришини яхши биламиз. Табиатга етказилаётган зарарлар оқибатида айнан ана шу донли экинларда генетик эрозия кузатилаётганлигини-чи? Агар бу муаммо, ўз вақтида бартараф этилмаса, 2025 йилга бориб 60 мингдан зиёд ўсимликнинг, аниқроғи сайёрамизда мавжуд ўсимликларнинг тўртдан бири йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли бор.

Об-ҳаводан нолийміз. Аммо иқлим ўзгариши муаммосига айнан ўзимиз сабабчи эканлигимизни тан олавермаймиз. Иқлим ўзгаришлари масалалари бўйича ҳукуматлараро гуруҳнинг ҳисоб-китобига биноан яқин юз йил ичида ер атмосфераси 5,8 градусга исиркан. Бу сўнгги ўн минг йил ичидаги мисли кўрилмаган натижа. Бунинг оқибатида 2100 йилга бориб дунё океанлари сатҳи тахминан ярим метрга кўтарилиши мумкин. Бу сув тошқинлари, тўфон, цунами ва бошқа офатлар дегани.

Ҳавони ифлослантиришимиз натижасида йилига дунёда 2,2 миллиондан зиёд одамнинг ёстиғи қуриётганини биласизми? XX асрнинг бошидан то ҳозиргача атроф-муҳитга олдин маълум бўлмаган юз мингдан ортиқ кимёвий воситалар чиқиб кетганлигини-чи?. Бундайин кимёвий воситалар атмосфера, сув, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали тўғридан-тўғри организмимизга келиб тушяпти.

Ўзбекистондаги биорангбаранглик 27 минг турни ташкил этаркан. Улардан 15 минги ҳайвонот олами. Маълумотларга кўра, сўнгги 30-40 йил ичида мамлакатимизда биорангбаранглик қисқариб бормоқда. Ўзбекистонда саҳролашувга қарши курашга устувор аҳамият берилмоқда. Шўролар даврида табиатга, экологияга бўлган нотўғри муносабат сабабли ўрмонларимиз эллик фоизгача қисқарган. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, ўрмонларнинг қисқаруви билан боғлиқ муаммо ҳам дунё ҳажжамияти эътиборида. Маълумот учун шуни айтиш керак, дунё ўрмонларининг 17 фоизини ташкил этадиган Африка қитъасида аҳоли ўсиши, қишлоқ хўжалиги учун ерларни ўзлаштиришнинг ортиши, турли можаролар ва бошқа сабаблар туфайли ўрмонзорлар майдони камайиб бормоқда. Йигирма биринчи аср арафасида аниқландики, Бразилия 15 миллион гектардан зиёд ўрмонзорларини йўқотиб бўлган.

Хуллас, айтаверсак муаммолар кўп. Гап уларни бартараф этиш, эртанги авлодга она табиатимизни борича етказишда. Шу маънода Ўзбекистон БМТ нинг биорангбаранглик Конвенцияси аъзоси бўлганини ёки истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ иқлим ўзгаришлари бўйича Конвенцияни, Саҳролашувга қарши кураш бўйича Конвенцияни, Бонн, Базел Конвенциялари, Вена, Монреал протоколларини имзолаганимизни келтириб ўтиш мумкин. Демакки, бу борадаги муаммолар бўйича ўзига хос мажбурият олганмиз. Шунингдек, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича миллий ва минтақавий дастурларимиз борлигини ҳам таъкидлаш лозим. Масалан, 1994, 1998 йилларда Орол денгизи бўйича Умумжаҳон банки билан ҳамкорликда дастур тайёрлаганмиз. 1997 йилда атроф-муҳит бўйича миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилган. 1998 йилда эса мамлакатимизда биорангбаранглик бўйича миллий стратегия режаси ишлаб чиқилганини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон ҳукуматининг атроф-муҳит бўйича ҳамкорликдаги дастури тузилган.

Кўриб, билиб турибмиз. Етказган жароҳатларимиз, талафотларимиз учун табиат биздан ўч олмоқда. Эртага атроф-муҳит бўйича янада глобал, янада долзарб масалалар, муаммолар кўндаланг бўлмаслиги учун бугуноқ ўйлашимиз керак.

Дилафрўз РЎЗИЕВА.

Диққат: танлов

ЗУККО МУШТАРИЙ

САВОЛЛАР:

21. Жамоатчи мухбиримиз Наргис Қосимова қандай танлов ғолиби бўлди ва у ҳақда газетамизнинг қайси сонида хабар чоп этилган?

22. «2006-2007 ўқув йилида университетнинг турли факультетларига ҳужжат топшириб, талабалар сафига қабул қилинганлардан 233 нафари муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, Тавсиянома билан қайтган ёшлардир...» жумлалари қандай номдаги мақоладан олинган ва унинг муаллифини айтинг?

23. «Ёш сержантлар сафда бугун,
Ҳар қадамида бор учқун», шеърий сатрлари кимнинг қаламига мансуб?

24. «Ошиқон дея номланувчи бешинчи ғор ҳам анчайин машҳур бўлган» жумлалари қайси мақоладан олинган?

25. «Польшалик делегация аъзолари вилоят марказида ўрнатилган «Эл-юрт таянчи» монументини зиёрат қилишди» жумлалари бор мақоланинг муаллифи ким ва унинг суратига ким муаллифлик қилган?

26. Газетанинг «Баркамол авлод – юрт таянчи» саҳифасида асосан қайси мавзуда мақола ва лавҳалар берилади?

27. «Маънавий гавҳар жамланган асар» мақоласида кўзда тутилган маънавий гавҳар айнан нима?

28. «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишони билан тақдирланган аскар ҳақида газетанинг қайси сонида, қандай сарлавҳа билан мақола берилган?

29. Атилла ҳақида газетанинг қайси сонида мақола чоп этилган?

30. Тангир Сатторов муаллифлигидаги суҳбат қайси мавзуга бағишланган?

Жавобни газетанинг ўша сони чоп этилган санадан кейинги ҳафта пайшанбасигача йўллашингиз талаб этилади (бунда алоқа бўлими муҳри қўйилган сана эътиборга олинади. Электрон манзилимизга келадиган жавобларда йўлланган сана қайд этилади).

Танловга қуйидаги мукофот ва совринлар қўйилган:

биринчи ўрин – DVD плейер;

иккинчи ўрин – аудиомагнитофон;

учинчи ўрин – телефон аппарати.

Танловда фаол иштирок этган беш нафар муштарий газетамизга бепул обуна билан рағбатлантирилади.

Жавобларни қуйидаги манзилга йўлланг:

Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй, 100031. «Ватанпарвар» газетаси таҳририяти, «Зукко муштарий» танловига. Электрон манзил: vatan@rol.uz

Халқаро кўргазма

ЯГОНА АХБОРОТ АНЖУМАНИ

Май ойининг сўнгги уч кунида пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ» марказий павильонида «Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари – MebelExpo Uzbekistan – 2007» 4-ўзбек халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур анжуман ITE Uzbekistan халқаро компанияси ва унинг шериги I.T.E. E & C Ltd (Буюк Британия) компаниясининг Ўзбекистондаги баҳорги кўргазмалар мавсумини якунлади.

Барча соҳаларда бўлгани каби мебель саноатида олиб борилган ислоҳотлар ҳам мамлакат иқтисодининг ўсишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Давлат муассасалари ва тижорат корхоналарига мебель ишлаб чиқаришдаги ўзаро боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун ягона ахборот анжумани зарур. Ўзбекистонда мебель тармоғидаги ягона халқаро кўргазма ҳисобланувчи «Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари – MebelExpo Uzbekistan – 2007» айнан шундай вазифани бажарди.

Кўргазмада мебель ва ёғочга ишлов бериш саноати мутахассислари – вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, мебель чиқарувчи ва ёғочга ишлов берувчи корхоналар, технология ва ускуналар етказиб берувчи компанияларнинг бош директорлари, топ-менежерлар, яқин ва узоқ хориж мамлакатларидаги етакчи корхоналарнинг муҳандислари, дизайнерлар, меъморлар иштирок этдилар. Ўттиздан зиёд компания ва фирмалар қатнашдилар. Булар мамлакатимиздаги ва чет эллардаги мебель ишлаб чиқарувчилар, хом ашё ва бутловчи қисмлар етказиб берувчилар, қўшимча товарлар сотувчилари, дизайнерлардир. Тадбирда Россия, Германия, Польша, Индонезия, Малайзия, Туркия ва бошқа мамлакатлар ўз маҳсулотларини намойиш этдилар. Кўргазманинг асосий мақсади мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб этишда ёрдамлашиш ҳамда Ўзбекистон мебель бозоридаги рақобатни ривожлантиришдан иборат. Мазкур тадбир ўтказила бошлангандан буён у тармоқ бозоридаги асосий воқеага айланиб қолди.

Ўзбекистон мебель бозорининг бешта шўъбаси кўргазманинг офис мебели, деворга ўрнатиладиган мебель, мебель гарнитуралари, мебель фурнитураси, мебель ишлаб чиқариш, ёғочга ишлов бериш ускуналари бўлимларига онд стендларда кенг намойиш этилди. Мамлакатимиз мебель бозорининг ўттиз фоизини эгаллаган «Файз» холдинг компанияси кўргазманинг доимий иштирокчисидир. Россиянинг Боярд, Слотекст ОАЖ, Польшанинг Юан ва Ўзбекистоннинг Арсенал МебельЛюкс компаниялари халқаро кўргазмада илк бора иштирок этишди. Малайзиянинг бир қанча компаниялари ноёб мебель намуналарини намойиш этди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Файз» холдинг компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Республика Савдо-саноат палатаси тадбирнинг расмий қўллаб-қувватловчилари, бош ҳомий Steinert Industries GmbH & Co.KG инвестиция-саноат гуруҳидир.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Саммит G8 открылся

В немецком Хайлигендамме официально открылся саммит G8. После того как канцлер Германии Ангела Меркель встретила гостей, началась традиционная рабочая встреча за закрытыми дверями. Предполагаемая основная тема – глобальное потепление. В рамках саммита должно пройти, вероятно, его центральное событие – двусторонняя встреча президентов России и США. Главная тема для обсуждения – противоракетная оборона США в Европе.



В секторе Газа могут появиться миротворцы

В сектор Газа со временем могут быть направлены международные миротворческие силы, сообщил европейским депутатам верховный представитель Европейского Союза по единой внешней политике и политике безопасности Хавьер Солана. Об этом сообщает Интерфакс. В Египте в конце июня пройдет встреча сторон конфликта и посредников.



2,2 миллиона беженцев

Число иракцев, покинувших свою страну после вторжения в нее войск США в марте 2003 года, превысило 2,2 миллиона человек. Такие данные обнародовал Верховный комиссариат ООН по делам беженцев. Со времени арабо-израильской войны 1948 года, приведшей к массовому бегству палестинцев со своей территории, это самый большой исход населения в современной истории Ближнего Востока. Каждый месяц Ирак покидают, по данным ООН, до 50 тысяч его граждан.



Испытания ракеты малой дальности

Северная Корея, возможно, вновь осуществила несколько испытательных пусков ракет малой дальности с западного побережья в направлении Японского моря. Об этом сообщила южнокорейская разведка. Тип ракет и количество пусков уточняется, сообщает ИТАР–ТАСС со ссылкой на агентство Ренхап. Последние такие испытания КНДР проводила 25 мая, запустив несколько ракет дальностью не более 200 км в направлении Японского моря.



Голосование по Косову перенесено

Европейский Союз и США договорились перенести с этой недели голосование в Совете Безопасности ООН по проблеме статуса сербского края Косово. Такое решение связано с проходящим в Германии саммитом «большой восьмерки», на котором, как ожидается, будет обсуждаться проблема Косово.



Перестрелка в Бразилии

Бразильские полицейские в ходе спецоперации в пригородах Рио-де-Жанейро убили восемь наркоторговцев. Перестрелка между полицейскими и преступниками началась, когда группа наркоторговцев, охранявших свой товар, открыла огонь по стражам порядка. Три офицера полиции были ранены. В ходе операции полиция изъяла шесть тысяч доз кокаина и три гранаты, сообщает РИА Новости.



Заложнице 3 года

В Шанхае неизвестный преступник взял в заложницы трехлетнюю девочку, которую мать оставила в игровой зоне закусочной быстрого питания. Причина инцидента неизвестна, также неизвестно, выдвигал ли похититель какие-либо требования, сообщает Интерфакс. В ходе штурма похититель был застрелен. Девочка освобождена, она не пострадала.



Нехватка сна опасна

Ученые Великобритании опасаются, что нехватка сна может привести к появлению «нации зомби». По оценкам ученых, в начале 1900-х люди спали более 9 часов. В 1960-х они спали более 8 часов. А сейчас люди спят около 6 часов. Симптомы нехватки сна варьируются от набора веса до раздражительности, галлюцинаций и депрессии.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

КУРАШИДА МАТОНАТИ МУЖАССАМ

Рамзиддин Саидов номини нафақат Ўзбекистонда, балки Осиё ва Европада ҳам кўпчилик яхши билади. Унинг маҳоратига кўплаб мутахассислар тан беради. Чунки Рамзиддин рақибларига ҳеч қандай имкон бермай, уларни доимо ҳалол мағлуб қилади. 2004 йил ўз вазни тоифасида Осиё чемпиони деган номга муносиб топилган йигит орадан бир йил ўтиб жаҳон чемпиони дея тан олинди. У 2005 йил Тошкентда бўлиб ўтган кураш бўйича жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этди. 81 килограмм вазнда гиламга чиққан юртдошимиз рақибларини бирин-кетин доғда қолдириб, финалда эронлик Али Муҳаммадий устидан ғалаба қозонди. 2006 йил ҳам Рамзиддин учун яна омадли бошланди. У апрель ойида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича анъанавий ўтказиб келинаётган иккинчи Умумармия ўйинларида муносиб иштирок этди. 90 килограмм вазнда гиламга чиққан Рамзиддин ҳақиқий чемпион эканлигини яна бир бора исботлади. Қийинчиликларсиз финалгача етиб келган бухоролик ўғлон сўнгги босқичда оддий аскар Хуршид Жабиев устидан ҳалол ғалаба қозониб, мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди. Юртимиз осойишталиги йўлида хизмат қилиб, армия спортига ўзига хос ҳисса қўшиб келаётган ёш, қобилиятли спортчимиз Рамзиддин Саидов XV Осиё ўйинларида 90 килограммда гиламга чиқиб бронза медали билан тақдирланди. Албатта, Осиёнинг тенгсиз полвонлари ўртасида 3-ўринни қўлга киритган спортчимизнинг бу ютуғи замирида ҳам машаққатли меҳнатлар мужассам.

Комилжон ҲАСАНОВ.



Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Рамзиддин САИДОВ: «Юртим довруғини оламга ёйгум».

Футбол

ФУТБОЛ ЮЛДУЗИНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубида ўтказилган ўзбек футболи юлдузи Миржалол Қосимовнинг хайрлашув учрашуви миллионлаб мухлислар учун ҳақиқий спорт байрамига айланди, десак хато қилмаган бўламиз. Ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпиони, XII Осиё ўйинлари ғолиби, Россия ва Ўзбекистон чемпиони, мамлакат кубоги эгаси, «Ўзбекистон ифтихори» унвони, «Фидокорона хизматлари учун» ордени, «Шуҳрат» медали соҳиби, «Она замин юлдузлари» фестивали лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Миржалол Қосимовнинг мамлакатимиз футболи тараққиёти ва равнақига қўшган ҳиссаси шу куни давлатимиз ва кенг жамоатчилик томонидан алоҳида эътироф этилди. Тадбир бошланишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра, мамлакат миллий ва Олимпия терма жамоалари катта устози Миржалол Қосимов ҳамда Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси бош устози Юрий Саркисянга «Меҳнат шуҳрати» орденининг топширилиши айни муддао бўлди. Давлат мукофотларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ўз эгаларига топширди.

Шу куннинг ўзида ташкил этилган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Миржалолнинг дўстларидан иборат Евроосиё терма жамоалари учрашувида чарм тўп ишқибозлари бир қатор таниқли футболчилар ўйинидан баҳраманд бўлишди. Қизиқарли ва дўстона тарзда кечган учрашув 3:3 ҳисобида якунланди. Ҳар икки жамоа таркибида 45 дақиқадан тўп сурган Миржалол Қосимов Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳисобидаги тўпларидан бирига муаллифлик қилди. Ўйин сўнггида истеъдодли футболчимиз эстафетани ота изидан бораётган ўғиллари Миркамол ва Миржамолларга тантанали равишда топширди.

Тантанали футбол шоуси томошабинлари орасида ҳарбийлар ҳам анчагина эди. Биз имкон топиб уларни суҳбатга чорладик.

– Спорт турлари орасида миллионлар ўйини бўлмиш футбол ўзининг жозибаси билан кўпчиликка ёқади, – дейди биз билан суҳбатда лейтенант Ботир Эргашев. – Ушбу спорт тури кейинги пайтда армия спортининг бошқа турлари сингари анча ривожланиб бормоқда. Мен ҳам ҳаваскор футболчи сифатида мазкур спорт турига қизиқиб, баъзида сафдошларим билан майдонга тушиб тураман. Бугун эса катта футбол шодиёнасидан баҳраманд бўлиш учун бу ерга келган эдим.

– Миржалолнинг яшил майдондаги ўйини ҳар қандай кишининг диққатини ўзига тортади, – дейди яна бир суҳбатдошим оддий аскар Рўзиқул Саматов. – Бугун унинг сўнгги бетакрор ўйинидан баҳраманд бўлиш билан бирга яна кўплаб Европа ва Осиёнинг кўзга кўринган футболчиларининг ўйинларидан завқ олдик.

Агнеш ҚУРБОНОВ.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

На проходившем в Киргизии VI открытом чемпионате Азии по армрестлингу успешно выступил наш коллега майор Хайритдин Зайнилов. Защищая честь нашей страны в состязаниях среди ветеранов, армейский спортсмен стал бронзовым призером в весе 70 килограммов.

Примечательно, что военный журналист упорно боролся за победу обеими руками, завоевав бронзовые награды в соревнованиях и правой, и левой рукой.

●

Екатеринбург шаҳрида профессионал бокс бўйича «Николай Валуев кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди.

Унда қатнашган юртдошимиз Қувончбек Тойғонбоев танзаниялик боксчи Ҳасан Матмулага қарши рингга чиқиб, ўзининг WBO (жаҳон бокс ташкилоти) йўналиши бўйича «Asia Pacific» чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилди.

Ўн икки раунд давом этган жангда Қувончбек рақибидан ҳар жиҳатдан устун ҳаракат қилиб, навбатдаги ғалабага эришди.

●

Юные боксеры Узбекистана являются постоянными участниками всевозможных соревнований, с которых, в большинстве своем, они возвращаются с победой.

Международный турнир по боксу «Кубок Бранденбурга», который уже не один год проходит в Германии, стал для отечественных боксеров одним из традиционных. Так, дважды наши ребята возвращались, завоевав первое общекомандное место, дважды становились серебряными призерами. Нынешний турнир вновь принес сборной команде юниоров Узбекистана второе общекомандное место. Юные мастера кожаной перчатки, возглавляемые известным в стране тренером Мансуром Махмудовым, завоевали шесть медалей разного достоинства: 3 золотых, 2 серебряных и 1 бронзовую.

●

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси – IFFHS жаҳондаги футбол клубларининг июнь ойидаги янги рейтингини эълон қилди.

Рейтингда мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» ўтган ойдаги натижадан 51 поғона юқорига кўтарилиб 146-ўринда, Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси эса 161-ўринда қайд этилган.

«Пахтакор» Осиё жамоалари ичида тўртинчи, МДҲ клубларини рўйхатида эса тўққизинчи ўриндан жой олган.

●

В российском городе Красноярске прошел традиционный международный турнир по вольной борьбе на призы двукратного олимпийского чемпиона Б.Сайтиева.

В нем приняли участие свыше 200 спортсменов возрастной категории 16 – 17 лет. Наши юные борцы завоевали 4 золотые награды. Н.Сафаров стал обладателем «золота» в весовой категории до 42 кг, М.Нуруллаев – в весовой категории до 46 кг, А.Вахидов – до 63 кг, и тяжеловес А.Рахимов – до 85 кг.

●

АҚШнинг Атлантик-Сити шаҳрида профессионал боксчининг ўта оғир вазни – WBO йўналиши бўйича чемпионлик жанги ўтказилди.

Унда амалдаги чемпион америкалик «чарм қўлқоп» устаси Шэннон Бриггз ва даъвогар россиялик Султон Ибрагимов учрашдилар.

Ўн икки раунд давом этган қизиқарли жангда Султон Ибрагимов рақибидан ҳар томонлама устун ҳаракат қилди. Жанг якунида учала ҳакам ҳам россиялик бокечи ғалаба қозонганини тасдиқладилар.

Ушбу ғалабадан сўнг профессионал боксчининг ўта оғир вазнидаги барча нуфузли йўналишлар бўйича чемпионлик камарлари МДҲ вакиллари қўлига ўтди. Эслатиб ўтамиз, ҳозирда энг нуфузли WBA йўналиши бўйича ҳамюртимиз Руслан Чагаев, WBO ва WBC йўналишлари бўйича россиялик Султон Ибрагимов ва Олег Маскаев, IBF йўналиши бўйича эса украиналик Владимир Кличко чемпионлик камарига эгалик қилишяпти.

Болалар спорти

СЕРМАЗМУН ЎТАР ТАЪТИЛ

Айниқса, ёз фаслини болалар ниҳоятда орзиқиб кутишади. Чунки йил давомида мактаб, ўқиш билан банд бўлган болалар бу вақт мобайнида кўнгилли ҳордиқ чиқаришни исташади. Тўғри бу борада ёзги дам олиш оромгоҳлари фаолиятининг аҳамияти катта. Бироқ оромгоҳлар барча болаларни ҳам қамраб ололмайди. Шу боис ёзги оромгоҳларга жалб этилмаган болаларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишни кўзлаган Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мана учинчи йилдирки, мамлакатимиз ўқувчиларининг асосий қисмини қамраб оладиган «Ёзги таътил» спорт мусобақаларини ташкиллаштиришни режалаштирган. Ушбу мусобақалар бевосита Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳаллий ҳокимликлар, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилади.

– «Ёзги таътил – 2007» спорт мусобақалари учта, яъни 1- маҳалла, 2-туман, 3-вилоят босқичи тарзида ўтказилади, – дейди биз билан суҳбатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вакили Анвар Мурсақулов.

Жамғарма томонидан қуриб битказилган болалар спорт мажмуаларида, ушбу мусобақаларни юқори савиясида ўтказиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йилги мусобақаларда ўқувчи-ёшлар жойлардаги муҳитдан келиб чиққан ҳолда, спортнинг 15 тури бўйича беллашади. Август ойининг 20-санасига қадар давом этадиган мусобақаларда ёшлар футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, қўл тўпи, сузиш, шахмат, шашка, кураш, енгил атлетика, эркин кураш ва бошқа спорт турлари бўйича маҳоратларини оширишади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, биринчи босқичда мағлубиятга учраган жамоа ўқувчи-ёшлари қолган 2 ой давомида нима билан машғул бўлишади? Бу борада ҳам жамғарма мутахассислари томонидан спортдаги оммавийликни оширишнинг турли усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда улардан кенг фойдаланилмоқда. Яъни, ёзги таътил кунлари Халқ таълими тизимидаги барча спорт мажмуалари, умумтаълим мактаб спорт заллари ўқувчи-ёшлар учун хизмат қилади. Улар ўзлари учун яқин бўлган спорт мажмуаларига бориб, хоҳлаган спорт турлари билан шуғулланишлари мумкин.

Ҳозирги кунда жамғарма томонидан ёзги дам олиш оромгоҳларидаги ўқувчи-ёшлар спорт билан шуғулланишлари учун ҳам қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Халқ таълими тизимидаги 249 та оромгоҳга умумий қаймати 750000 сўмни (ҳар бир оромгоҳга) ташкил этадиган спорт жиҳозлари ажратилмоқда. Жамғарманинг ёзги таътил мусобақалари жойларда аллақачон бошлаб юборилди. Яқинда мана шундай мусобақалардан бири Сурхондарё вилоятининг Узун туманида бўлиб ўтди. Жамғарма соврини учун 1993–1995 йилларда туғилган ўқувчи-ёшлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада қишлоқ ёшлари спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, кураш ва қўл тўпи турлари бўйича ўзаро баҳс юритишди. Туманнинг 29 та умумтаълим мактабларидан ташриф буюрган 420 нафардан ортиқ йигит-қизлар 6 та жамоага бўлиниб, ғолиблик учун куч синашишди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини ҳам эсда қоларлик тарзда ўтказиш мақсадида жамғарма томонидан бир қатор хайрли ишларга қўл урилди. Жумладан, ушбу байрам ва жамғарма ташкил топганлигига беш йил тўлганлиги муносабати билан пойтахтдаги «Умид» болалар спорт мажмуасида спорт байрами ташкил этилди. Спортнинг шашка, стол тенниси, волейбол, сузиш ва мини футбол турлари бўйича ўтказилган беллашувларда 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган 300 нафарга яқин йигит-қизлар ўзаро баҳс юритишди. Икки кун давом этган мусобақада Регина Ҳасанова (бадминтон), Александра Плешкова (стол тенниси), Зарина Галионова (сузиш) сингари кўплаб йигит-қизлар ўз маҳоратларини намойиш қилиб, ғолиблик шоҳсупасидан жой олишди.

Асосийси, ёшлар ёзги таътилнинг ҳар бир кунини беҳуда ўтказмаслиги учун жамғарма томонидан режа ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра йигит-қизлар уч ой давомида турли спорт тўгаракларида ўз маҳоратларини оширишади.

Сейман НАЗАРОВ.



ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВ



Ўзбек халқи қадимдан ўзининг болажонлиги билан ажралиб туради. Болалар ота-она орзуси, бахти, қувончидир. Оилада фарзанд дунёга келар экан, ота-онанинг зиммасидаги жавобгарлик, масъулият ҳиеси яна бир карра ортади. Айниқса, ҳарбий оилаларда вояга етаётган фарзандлар тарбияси оила қўрғонининг бекалари – азиз аёлларимиздан юксак фидойиликни ва жонкуярликни талаб этади. Чунки уззу кун эл-юрт хизматига чоғланган оила бошлиқларининг юк ва ташвишларини ҳам оналар нозиккина елкаларига оладилар.

Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий оилалар ва уларда вояга етаётган фарзандлар тарбиясига доимий эътибор бериб келинмоқда. Биргина Тошкент ва Чирчиқ гарнизонига қарашли ҳарбий қисм ва муассасалар қошида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари таълим-тарбия олаётган кўплаб мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатаётгани ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси ҳамда Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Спорт менинг дўстим – 2007» деб номланган болалар спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Байрамона безатилган спорт майдончасида Тошкент ва Чирчиқ гарнизонларига қарашли болалар боғчалари тарбияланувчилари саф тортдилар. Жажжи болакайларнинг чучук тилларидан Ватан, бегубор болалик, истиқлол берган неъматларни мадҳ этувчи қўшиқ ва шеърлар янграганда бир зумгина катта ёшдаги томошабинлар ва ота-оналар қалбини болалик хотиралари чулғади. Болалар томонидан мусиқага монанд турли хил предметлар ёрдамида бадантарбия машқлари бажарилганда, эстафета ўйинлари намойиш этилганда барча уларни дилдан олқишлади.

Ниҳоятда қизғин ва дўстона кечган спорт мусобақаси якунларига кўра, 1-ўрин «Юлдузча» номли (Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари), 2-ўрин «Семурғ» ва «Юлдузча» номли (Чирчиқ гарнизони), 3-ўрин эса «Семурғ» номли (Марказий ҳарбий клиник госпитали) мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига насиб этди. Ғолиблар Мудофаа вазирлиги томонидан тақдим этилган рангли телевизор, аудиомагнитафон, гилам каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Иштирокчиларга Фахрий ёрлиқлар ва ширинликлар ҳам тарқатилди.

– Бугунги қизиқарли мусобақа ҳарбийларимизнинг фарзандлари тарбиясига, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишларига катта аҳамият берилаётганини намойиш этди. Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг жонкуярлиги билан кўпчиликка намуна бўлаётган – Муқаддас Аҳмедова, Элла Куропаткина, Ибодат Расулова, Ирина Седих, Шоҳида Дадабоева каби мактабгача таълим муассасалари мудиралари номларини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди, – дейди Мудофаа вазирлиги мактабгача таълим муассасалари билан ишлаш бўлими бошлиғи Моҳида Атабоева. – Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, жисмонан бақувват, ақлан етук фарзандлар вояга етмоқда.

Ҳа, болаликнинг бегубор олами гўзалликларга бой. Уни завқу шавққа тўлдириш, шодхуррамликлар билан безаш биз, катталарнинг қўлимизда.

Жамила ҒАНИЕВА.

По просьбе читателей

ГАКК-ПРИСЕДАНИЯ

Это одно из наиболее эффективных прорабатывающих упражнений на квадрицепс. При работе в силовой манере выполнять 6–8 повторений, в пампинговой – 15–20 в трех подходах. Все вышеперечисленные упражнения предназначены для тренировки квадрицепса. Но на этом тренинг ног не завершается: следующий на очереди – бицепс бедра.



Универсиада – 2007

ҒУРУР, ИФТИХОРНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

«Универсиада» мусобақасидан кўзлаган мақсадларимизни яхши биласиз. Яъни, мазкур нуфузли мусобақа олий таълим муассасалари талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзини янада кенг тарғиб қилиш, уларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун замон талабларига мос равишда шарт-шароитлар яратиш, ёшларимизнинг иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, улар қалбларида ватанпарварлик, садоқат туйғуларини камол топтиришдек мақсадларга хизмат қилмоқда. Ислоҳотлар натижасида шаклланиб бораётган уч тизимли спорт мусобақалари баркамол авлод тарбиясига мамлакатимизда устувор эътибор қаратилаётганидан.

Келинг, шу ўринда бир нарсага ойдинлик киритайлик. Бу газетхонларимиз учун ҳам қизиқ бўлса ажабмас. Яъни, «Универсиада»нинг ватани қаер, деган саволга жавобни назарда тутяпмиз.

Бундайин мусобақалар ўн тўққизинчи асрда Европанинг бир қатор мамлакатларининг машҳур университетларида ўтказилгани борасида маълумотлар бор. 1923 йилга келиб, университетлар талабалари ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақаларига халқаро мақом берилди. Айнан «Универсиада» номи билан юритилмаса-да, шунга ўхшаш мусобақалар 1925, 1927, 1930, 1933, 1935, 1937, 1939 йилларда халқаро миқёсда ўтказилгани маълум. 1948 йилга келиб Университет спорти халқаро федерацияси зиммасига универсиада беллашувларини ўтказиш юкланди. 1959 йилда Италиянинг Турин шаҳрида Талабалар халқаро конфедерацияси ва Университет спорти халқаро федерацияси ҳамкорликда бутунжаҳон талабалар ўйинларини ўтказишди. Шу йилдан эътиборан бундайин ўйинлар расман «Универсиада» деб атала бошланди. Низомига кўра, «Универсиада» қишки ва ёзгига ажратилди. Бундайин халқаро мусобақалар ҳар икки йилда бир бора ўтказилиши келишиб олинди. Табиийки, Универсиада ўз рамзи, байроғи ва мадҳиясига эга. Халқаро универсиадага келган талабалар «Гаудеамас» дея номланувчи мадҳияни ижро этишаркан. Демак, Халқаро универсиада ватани Италия дея бемалол айтишимиз мумкин.

Оммавийлиги, ранг-баранглиги билан бизнинг «Универсиада» тилга олинаётган халқаро мусобақадан қолишмайди. Илгари хабар берганимиздек, тўртинчи бора ўтказилаётган, пойтахт мезбонлик қилаётган «Универсиада»да талабалар спортининг – футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, шахмат, теннис, стол тенниси, кураш, белбоғли кураш, енгил атлетика, сузиш ва дзюдо каби турлари бўйича ўзаро беллашишади.

Қисқа фурсат ичида «Универсиада»миз ўз самарасини берди. Бугун жаҳон миқёсдаги кўплаб нуфузли спорт мусобақаларида ёшларимиз эришаётган ғалабалар, ютуқлар бунинг тасдиғидир.

Жорий йилнинг 20-24 июнь кунлари бўлиб ўтиши кўзда тутилган бу галги «Универсиада» ҳам янги-янги чемпионларни, талаба спортчиларни кашф этишига, ёшларимиз қалбларида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялашига, бир сўз билан айтганда, уларнинг жисмоний, маънавий камолотида навбатдаги бир довон бўлишига ишончимиз комил.

Толмас ҚУРБОНОВ.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Зиё масканларида

ОЛИЙ МАҚСАД САРИ

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли таълим ислоҳотлари самараси ўлароқ, кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳалари учун етук ва малакали кадрлар етказиб берувчи юзлаб касб-ҳунар коллежлари барпо қилиниб, айни вақтда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Қашқадарё вилоятидаги Қарши транспорт коллежи 2003 йили ташкил қилинган бўлиб, унда ҳисобчи-аудитор, темир йўл муҳандиси, станция навбатчиси каби мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тайёрланади. Айни пайтда 50 нафардан зиёд ўқитувчи меҳнат қилаётган педагогик жамоада юқори тоифали мураббийлар ёш авлодга касб-ҳунар ўргатиш борасида самарали иш олиб бормоқдалар.


Ушбу коллежда дарслар турли фанларга ихтисослашган хоналарда замонавий ўқитиш технологиялари асосида олиб борилади. Жумладан, физика, химия ва биология фанларидан замонавий технологиялар билан жиҳозланган махсус хоналар, спорт зали, керакли адабиётлар билан бойитилган кутубхона мавжуд. Машғулотлар асосан компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Қарши транспорт коллежида шаҳар ички ишлар бошқармаси ва прокуратура ходимлари билан доимий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, ҳар ҳафтада соҳа вакиллари давлат ва ҳуқуқ асослари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари юзасидан назарий машғулотлар олиб боришади.

Дарвоқе, билим даргоҳида махсус ҳарбий спорт синфи ҳам мавжуд. Унда ўқувчилар жисмоний ва жанговар тайёргарлик бўйича сабоқ олишади. Ўқув машғулотлари зарур ўқув ҳамда кўргазмали қуроллар, замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан етарлича таъминланган алоҳида машғулот хоналарида ўтказилади.

– Ушбу синфда машғулотлар чуқурлаштирилган ҳолда ўтилади. Ўқувчиларга энг етук мутахассислар, ўз касбининг ҳақиқий билимдонлари бўлган офицерлар сабоқ беришади. – дейди капитан Қаландаров. – Чунки бу йигитлар келажакда албатта ҳарбийлик касбини эгаллашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Ҳарбий хизматда эса жанговар техникалардан, қурол-аслаҳалардан тўғри фойдалана билиш, ҳар бир Ватан ҳимоячисининг бурчи. Шу боис ўтказилаётган мазкур машғулотларнинг аҳамияти катта. Ўқувчиларнинг олган билимларини мустаҳкамлаш учун машғулот майдонида амалий машғулотлар ўтказилади. У ерда ҳам зарур барча техникалар мавжуд. Ўқувчиларимиз билимга чанқоқ, интилувчан. Берилаётган ҳар бир сабоқларни аъло даражада ўзлаштираяптилар. Умуман олганда, таълим олиш ва маҳоратини мустаҳкамлаш истагидаги ҳар бир йигит учун мазкур спорт синфида етарлича қулайлик ва шарт-шароит борлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Мақсадимиз, ҳарбий билим юртлари учун юқори билим ва кўникмага эга бўлган ёшларни тайёрлаб бериш ва мустақил давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишдан иборатдир.

Муслима ЎРОЛОВА.



ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Озод юрт мадҳини аслида бир-икки шеърга сиғдириб бўлмайди. Зеро, миллий ғурур ва ифтихор бир лаҳзалик эмас. Ватанни мадҳ этувчи бундай шеърлар инсон қалбини доимо руҳлантириб туради. Уни ўқиган сайин ўқинг, ўз юртингдан қайта-қайта ғурурланг, уни ардоқлагинг келади. Истеъдодли шоира Гулчеҳра Жўраеванинг ушбу шеърини ўқиганда хаёлингиздан шундай ўйлар кечади.

ЮРТИМ ОВОЗИ

Карнай-сурнай созлар ичра шоҳ,
Оҳангидан титрар ер, осмон.
Баланд кўтар созингни, машшоқ,
Рақсга тушсин юрак, ҳаяжон.

Карнай-сурнай қўймайди бефарқ,
Садосидан кўнглим тортар ёш,
Томирларни ўйнатади завқ,
Кўзларимга қалқар ширин ёш.

Карнай-сурнай дилрабо бу куй –
Ғалабалар, ғолиблар мадҳи.
Элим ҳурлик бағрида бу кун,
Қувнаб кулсин диёрим аҳли!

Кунлар ўтмас бекарнай-сурнай,
Тўйбошидир ўзбек қиш-ёзин.
Янграйберсин бир он тўхтамай
Карнай-сурнай юртим овози!

Интернет-кафе

КОМПЬЮТЕРНЫЕ ИГРЫ: ЖИЗНЬ ВНЕ ВРЕМЕНИ

Человек с автоматом в руках медленно крадется к своей жертве. Он едва сдерживает дыхание, руки взмокли от тяжести оружия. Раздаются выстрелы, возбужденные крики и... Толпа мальчишек, «расстрелявшая» все обоймы виртуального оружия, дружной ватагой выскакивает из интернет-кафе.

Не каждый взрослый человек знает столько об оружии, сколько эти подростки, с упоением обсуждающие достоинства и недостатки автомата Калашникова, винтовки М-16, пистолета-пулемета УЗИ. Современный лик Ташкента уже невозможно представить без интернет-кафе, где сутками ведутся бескомпромиссные баталии и пропадают юные жизни. Казалось бы, какие юные жизни? Никто не гибнет, только очередные виртуальные персонажи. Но вдумайтесь, а так ли безоблачно небо над вашей головой, когда в очередной раз подросток уничтожает своего компьютерного противника?

Знакомое до боли каждому геймеру чувство полного удовлетворения после прохождения очередного раунда игры или убийства соперника в «Counter Strike» мало с чем можно сравнить. Но когда заканчивается игра, наступают странное оцепенение и пустота в душе. Только что ты был полон энергии и эмоций, готов был свернуть горы, а теперь просто потираешь виски от головной боли. Внутри ты постоянно отгоняешь страшные мысли, но они все чаще и чаще возвращаются обратно. Еще неделю назад ты должен был сдать контрольную по химии, прочитать «Героя нашего времени» и сделать эту ненавистную математику. Всего два дня назад забыл поздравить родителей с серебряной свадьбой, не помог бабушке сходить в больницу.

Вот так, штурмуя очередной бастион и нанизывая головы врагов, увлеченные игрой молодые люди проигрывают битву за звание хорошего сына и заботливого внука, постепенно спускают будущую карьеру и, возможно, жизнь под откос. И как глупы эти утверждения в среде геймеров о том, что, играя, можно стать богатым и знаменитым. До вершины добираются единицы. И те уже не способны жить в реальном мире. Их бытие – виртуальная реальность, друзья – компьютерные аксессуары, а жизнь полна бессмысленной жестокости и насилия. Остальные же, кто не смог покорить компьютерный Олимп, так и останутся взрослыми детьми, для которых главной целью в жизни будет прохождение следующей версии популярного шутера.

Игровое болото затягивает так незаметно, даря при этом массу радостных ощущений. Но не стоит заблуждаться, это тот же наркотик со своим привыканием и ломками. По статистике ООН, огромное количество молодых людей в возрасте от 13 до 20 лет по всему миру попадают в компьютерную кабалу. И вот что страшно – если наркотики во всем цивилизованном обществе запрещены, то игры имеют всего лишь возрастную рекомендацию к ограничению их применения.

Несомненно, наше будущее невозможно представить без компьютеров, роботов и новых технологий. Наша с вами задача не допустить, чтобы техноигрушки превратились из помощников в господ, а люди стали больше напоминать бесчувственные машины. Ведь в наших венах не машинное масло, бензин не заменит кровь, да и сердце – не кусочки льда, подаренные Каю Снежной Королевой.

Ответ за вами...

Денис ДОВЛАТОВ.



Абитуриент–2007

ЭЗГУ НИЯТ ЙЎЛИДА

Бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, ҳарбийлик йигитлар учун нуфузли касблардан бирига айланиб улгурди, десак хато қилмаган бўламиз. Боиси айни дамда йигитлар орасида энг сара деб топилганлари ушбу шарафли соҳага ўз тақдирини боғлашга интилишмоқда. Эраш аканинг тўнғичи Фазлиддин Холиқов ёшлигидан офицер бўлиб, юрт осудалиги йўлида хизмат қилишни истарди. Тиришқоқ йигит эзгу мақсадига эришиш йўлида тинимсиз ўқиб, жисмоний тайёргарлик кўриб борди. Мактабни тугатгач, у Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширди. Лекин омади чопмади. Фазлиддин бундан тушкунликка тушмади. У яна бироз тайёргарлик кўриб, йигитлик мактабида тобланиш учун муддатли ҳарбий хизматга отланди. Соҳага меҳр қўйган ўғлон қисқа вақт ичида ҳарб илмини пухта ўзлаштириб командирларининг назарига тушди. Йигит намунали хизмати учун қисм қўмондонлиги томонидан ташаккурнома ва Фахрий ёрлиқлар билан бир қаторда олий ўқув юртига ўқишга киришда қўшимча имтиёз берадиган Тавсияномани ҳам қўлга киритди. Бундан хурсанд бўлган ўғлон яна офицер бўлиш илинжида ҳарбий билим юртига тайёргарлик кўра бошлади.

– Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топширмоқчиман, – дейди у биз билан суҳбатда. – Мақсадим офицер бўлиб, гўзал диёримизнинг осудалигини таъминлашдир.

Фазлиддин сингари қалби шижоатга тўла йигитлар ҳозирда курсант бўлиш мақсадида имтиҳонларга жиддий ҳозирлик кўришмоқда.

– Ўғлим муддатли ҳарбий хизматдан қайтгандан сўнг «Ҳарбий билим юртига киришим керак», дея тинмай қолди. Ўз хонасига кириб олиб эртадан кечгача китоб мутолаа қилади. Тонг саҳардан эса жисмонан шуғулланади, турникда машқ қилади. Хуллас, кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриш билан овора, – дейди Фазлиддиннинг онаси Омина опа.

Албатта, йигитнинг бу саъй-ҳаракатидан ота-онаси мамнун. Улар ҳар дам, ҳар дақиқа ўғлига далда бўлишга уринишади. Бу каби руҳий қувват тафтини ҳис қилган йигит тайёргарликка янада жиддий ёндошишга ҳаракат қилади.

Ҳа, айтганча Фазлиддин мудофаа ишлари бошқармасида бўлиб ўтган касбий саралашдан юқори балл йиғиб, ўзи сингари офицер бўлиш иштиёқида юрган дўстларига намуна бўлди. Айниқса жисмоний тайёргарлик бўйича ўтказилган машқларда масъул офицерлар томонидан унинг номи алоҳида тилга олинди.

Дарҳақиқат, бугун ёшларимиз орасидан Фазлиддин сингари энг сара ва зукколари офицер бўлишга қизиқиб, ҳарбий билим юртларига ҳужжат топшираётганлигини кўриб қувонасан, киши. Аслида ҳам миллий армиямиз сафларини мана шундай оташқалб, фидойи, юртпарвар ўғлонлар билан бутлаш бугуннинг асосий талабидир.

Саида МУҚИМОВА.

ҲАФТА ГЎЗАЛИ



Саҳифамизнинг бу галги меҳмони барчамиз учун таниш бўлган актриса Дилноза Кубаевадир. Дилнозанинг «Келгинди келин», «Келгинди куёв» фильмлари ва «Андишали келинчак» спекталида талқин этган образлари аллақачон халқимиз қалбидан жой олган. Табиатан хушчақчақ бўлган бу қиз ҳозирда Тошкент давлат санъат институтида таълим олиш билан бир қаторда Ўзбек миллий академик драма театрида ҳам фаолият олиб бормоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

БИТИРУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежида битирувчи гуруҳ ўқувчилари билан олий ҳарбий билим юртлари ўқитувчилари ўртасида учрашув ўтказилди. Унда сўзга чиққан Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўқитувчиси, подполковник А.Сайитқулов ўқиш жараёни, ҳарбий билим юртида яратилган шарт-шароитлар ва тартиб-интизом тўғрисида коллеж битирувчиларига тўлиқ маълумот бериб ўтди. Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети ўқитувчиси, подполковник Р.Хўжақулов эса республикамиздаги барча ҳарбий билим юртлари замонавий технологиялар, техника воситалари билан жиҳозланганлиги, барча машғулотлар улардан унумли фойдаланилган ҳолда олиб борилиши тўғрисида сўз юритди.

Учрашув якунида республикамиздаги олий ҳарбий билим юртлари ҳаётига бағишланган видеолавҳалар намойиш этилди.

Аброр ЖАББАРБЕРГЕНОВ.

ЛИЦЕЙ БИНОСИ ТАЪМИРЛАНДИ

Ҳарбий касбларга ихтисослашган 5-сон республика лицейи Урганч шаҳрининг сўлим ва баҳаво жойида — Шовот канали соҳилида жойлашган. Яқинда лицей биноси 1 млрд. 80 млн. сўмлик маблағ эвазига мукаммал таъмирланди.

Айни пайтда ўқув даргоҳида болалар спорт мажмуаси ҳам қад ростлади. 32 турдаги спорт жиҳозлари билан таъминланган ушбу мажмуада Урганч шаҳридаги «Бешмерган» маҳалласи болалари ҳам яйраб спорт машқларини бажаришлари мумкин. Замон талабларига мос, энг қулай имкониятларни ўзида мужассам этган мазкур лицейда Хоразм вилоятидан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий вилоятларидан келган ўғлонлар ҳам таълим оладилар.

Азиза ҲАКИМОВА.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Аёлсиз умр – бўш. Аёлсиз рўзғор йўқ! Эркак зотим буни тан олади ва дунё яралибдики, шу зотга суяниб, тақдирини шу зотга топшириб ўтади. Аммо, қизойим, юз ёшинггача эсингда турсинки, «турмушга чиқиб бўлдим, болаларим бир этак-ку, бежаниб юришим шарт эмас», деган заҳотинг ичингдаги ёмонинг, яъни дидсизлигинг ё ялқовлигинг юзага чиққан бўлади! Ҳеч қачон қаровсиз кўринишингга атрофни чидашга мажбур қилма!

Эркакнинг аёли бўлса-ю, унга қараб юраги яйрамаса! Боланинг онаси бўлса-ю, бошқаларнинг ораста онасини зимдан ҳавас қилиб, ўзиникидан ўксиб юрса!

Қолаверса, ўзида турган ўз жисмига қарамайдиган аёлнинг масофадаги боласию рўзғорини саранжом тутишига ҳеч ишонч йўқ!

Турсуной СОДИҚОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Не стоит идти на поводу у собственной самоуверенности. Вас ждет согласие в отношениях с деловыми партнерами. Стоит уделить родным и близким больше времени.

ТЕЛЕЦ

Сконцентрируйтесь на главных делах. Постарайтесь преподнести свои идеи в профессиональной сфере. Понадобится помощь вашим родителям. Вы получите приглашение на вечеринку от друзей.

БЛИЗНЕЦЫ

Неделя принесет вам новые жизненные установки. Старайтесь не тратить драгоценное время впустую. Все задуманное сможет исполниться. Не стоит начинать новых дел.

РАК

У вас появится желанная свобода действий. Но ею необходимо разумно распорядиться. Постарайтесь быть честнее с собой и окружающими. Выходные окажутся днями отдыха и побед.

ЛЕВ

Вероятны командировки. Решая важные вопросы, прислушайтесь к советам близких и не отвергайте их помощь. Будьте пунктуальнее при встречах с партнерами по бизнесу.

ДЕВА

Настает благоприятное время для позитивных перемен. Отбросьте прочь неуверенность и сомнения. Друзья или родные попросят оказать помощь в трудноразрешимой ситуации.

ВЕСЫ

Неделя пройдет в размеренной спокойной обстановке. События начнут приобретать особенную важность. Вы познакомитесь с новыми перспективными людьми.

СКОРПИОН

Вы сможете занять активную позицию в качестве советчика по любому вопросу. В выходные вас ожидает хороший отдых в кругу семьи. Это занятие даже доставит вам удовольствие.

СТРЕЛЕЦ

Стоит найти время для расширения своих профессиональных знаний. Каждый новый навык может оказаться востребованным. Удачное время для развития карьеры и поездок.

КОЗЕРОГ

Проявите инициативу и активность. Вас ожидает важная информация – постарайтесь ее не пропустить. Поездки лучше планировать на выходные. Вероятна неформальная встреча.

ВОДОЛЕЙ

Вам грозит недовольство вышестоящих. Ситуация благоприятна для проведения исследовательской работы. Друзья порадуют своим вниманием, отлично будут складываться приятельские отношения.

РЫБЫ

Больше прислушивайтесь к голосу интуиции. В начале недели вам придется отстаивать свои позиции. Быстро принятое решение будет способствовать результатам, которые порадуют вас.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

МУСИҚА САНЪАТИМИЗ УЛКАН АРБОБИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

У ўз асарларида Ғарб ва Шарқ халқлари мусиқасини уйғунлаштириб янгича оҳанглар яратишга эришди. Шу боисдан ҳам Мухтор Ашрафийнинг номи жаҳонда Шарқ мусиқа санъати отаси дея эътироф этилади. Ўзбек дирижёрлигининг қалдирғочи, йирик жамоат арбоби, мураббий ва публицист бўлган бу инсон ўзининг бутун ҳаётини Ўрта Осиёда янги мусиқа маданиятини яратишга бахш этди.

Мухтор Ашрафийнинг болалик йиллари Бухорода, таниқли халқ ҳофизи ва дуторчи машшоқ Ашрафхон Ҳофиз хонадонида кечди. Шу боис ҳам бўлажак бастакор илк мусиқий сабоқларни отасидан олди. Маълумки, боланинг жамиятда ўрнини топишида у тарбия топаётган оилавий муҳит ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Ашрафхон Ҳофизнинг хонадонида деярли ҳар куни хофизлар, машшоқлар йиғилишарди. Бу йиғинда ижро этиладиган мусиқа ва ашулалар борган сари ёш Мухторни ўзига оҳанрабодек тортарди. 1924 йилда М. Ашрафий отасининг дўсти дуторчи машшоқ Тоҳиржон Давлатзода қистови билан Бухородаги Шарқ мусиқа мактабига ўқишга кирди. Бу даргоҳда у илк мусиқа сабоқларини олди. Ўша йилларда мактаб ўз ўқитувчилари – Ҳалим Ибодов, Абдуқодир Исмоилов, Тоҳиржон Давлатзода каби таниқли халқ мусиқачилари билан шуҳрат топган эди.

Мухтор Ашрафий мактабда ўқиш билан бир қаторда Бухоро маориф олийгоҳида ҳам таҳсил олди.

У 1929 йилда Шарқ мусиқа мактабини битиргандан кейин Самарқанддаги Ўзбекистон мусиқа ва хореография олийгоҳида ўқишни давом эттирди. Ушбу олийгоҳда ўқиш йиллари ёш мусиқачи ўсишининг биринчи босқичи ҳисобланади. Ўша йилларда унга йирик мусиқачи, фольклорчи ва жамоат арбоби Н. Миронов раҳбарлик қилар эди. Мухтор Ашрафийдаги туғма истеъдодни кўрган Миронов уни ҳам бошқа қобилиятли мусиқачилар билан бирга Москва консерваториясига ўқишга юборади. 1937 йилда Мухтор Ашрафий Ўзбек мусиқали театрига бадиий раҳбар ва бош дирижёр қилиб тайинланади. Айнан шу йилда Москвада Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлиги бўлиб ўтади. Унда Мухтор Ашрафий биринчи бор дирижёр сифатида саҳнага чиқди. Унинг чиқиши ҳақида жуда кўп самимий фикрлар айтилади. «Ўн кунлик давомида ёш ўзбек дирижёри жуда кучли таассурот қолдирди. Мусиқа услубини жуда яхши билишлик, ўзига нисбатан ишонч билан дирижёрлик имо-ишораларини аниқ ва мулойим олиб боришлик, нафис нозиклик – буларнинг ҳаммаси ёш Ашрафийда ҳақиқий дирижёрлик истеъдоди мавжудлигидан далолат бериб турибди»,– деб ёзилган эди «Известия» газетасида.

Мухтор Ашрафий ўзбек мусиқа санъатини ривожлантириш йўлида қирқ йилдан ортиқ фидокорона меҳнат қилди. Шу давр ичида у тўртта опера ва бир нечта балет асари, С. Василенко билан ҳамкорликда биринчи ўзбек операси бўлган «Бўрон», кейинчалик «Улуғ канал», мустақил равишда «Дилором» ва «Шоир қалби» опералари, «Муҳаббат ва қилич», «Темур Малик», «Севги тумори» балетлари, учта мусиқали драма, симфониялар, фильмларга мусиқа, кўплаб романслар, қўшиқлар ва бошқа жанрдаги мусиқий асарлар устида ижод қилди. «Севги тумори» кўпгина машҳур бастакорлар томонидан ўзбек мусиқа санъатини юқори поғонага кўтарган асарлардан бири сифатида тан олинди. Мазкур балет Москва, Душанбе, Новосибирск, Санкт-Петербург мусиқали драма театрларида саҳналаштирилиб томошабинлар томонидан олқишларга сазовор бўлган.

Мухтор Ашрафийнинг «Қаҳрамонлик» ва «Бахт ҳақида қўшиқ» кантатаси икки марта Давлат мукофотига сазовор бўлган. «Дилором» операси асосида эса биринчи ўзбек опера фильми суратга олинган. «Темур Малик» симфоник асари асосида эса кейинроқ айнан шу ном билан балет асари яратилди. Ўрта Осиёда биринчи марта фильм-балет ана шу асар асосида вужудга келган.

Бастакор ижодининг яна бир қиррасини юксак дирижёрлик санъати ташкил этади. Чунки у опера, балет ва симфония асарларига дирижёрлик қилиш борасида энг етакчи дирижёрлардан бири бўлган. Мухтор Ашрафий дирижёр ва бастакор сифатида Москва, Санкт-Петербург, Олмаота, Болтиқбўйи шаҳарлари, Миср, Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва бир қатор Европа мамлакатларида ўзбек санъатини намойиш этди.

Мухтор Ашрафий Алишер Навоий номидаги ўзбек опера ва балет театри асосчиларидан бири ва Самарқанд опера ва балет театрининг ташкилотчиси ҳисобланади. Шу билан бирга бу инсон узоқ йиллар Тошкент (ҳозирги Ўзбекистон) давлат консерваториясида ректорлик қилди. Унинг шогирдлари орасида дирижёрлик санъатини юксак маҳорат билан эгаллаган машҳур санъаткорлар ҳам бор. Булар сирасига Ўзбекистон халқ артистлари – Дилбар Абдураҳмонова, Ҳамид Шамсиддинов, Фарруҳ Содиқов, Абдуғани Абдуқаюмов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ғанижон Тўлаганов, Элдор Азимов, Республикада хизмат кўрсатган артист Қувонч Усмонов ва бошқаларни киритиш мумкин. Бастакор ўзининг қирқ йиллик ижодий фаолиятини фақатгина янги-янги мусиқий асарлар яратишга бағишлади. Унинг бу каби серқирра ва баракали ижоди юксак мукофотларга лойиқ деб топилди. Ўзбек маданиятининг улкан арбоби, профессор Мухтор Ашрафий ўзбек мусиқа санъатини ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун халқ артисти унвонига, ҳамда Жавоҳарлал Неру, Жамол Абдул Носир номидаги халқаро мукофотларга сазовор бўлган. Шу билан бирга у бир қанча Давлат мукофотлари лауреати ҳам бўлган. 1982 йилда Мухтор Ашрафийнинг 70 йиллик юбилейида Тошкентдаги бастакор яшаб ижод қилган хонадонда музей ташкил қилинган эди. Бу йил «Ашрафий ижодиёти ва ўзбек мусиқа санъати» уй-музейига 25 йил тўлди. Шу ўтган йиллар ичида музей ижодий ходимлари баракали меҳнат қилишди. Мухтор Ашрафий ҳаёти ва ижодига доир кўплаб ҳужжатлар, суратлар ва бошқа асарларни йиғишга муваффақ бўлишди. Музей экспозициялари аста-секин янги топилмалар билан бойитилди. Бугунги кунда ушбу музей янада гавжум. Чунки бу йил бастакор таваллуд топганига 95 йил тўлади. Аслини олганда эса Мухтор Ашрафийдек буюк сиймолар асрлар оша яшайверадилар.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

Машҳур саркардалар ҳаётидан

ШОН ИЗЛАБ, ШАРАФ ИЗЛАБ

Қадимги рус саркардаси Святослав Игоревичнинг отаси Игорь доимо кўчманчи қабилаларга қарши урушиб келган, Византия империясининг Константинополь шаҳрига юришлар қилган Киев князларидан бўлиб, онаси эса псковлик княгиня Ольга эди.

Святослав уч ёшида отасидан етим қолди – князь Игорь 945 йили славян қабилаларининг биридан ўлпон йиғиш вақтида ўлдирилди. Тул қолган Ольга бу қабилалардан ўч олиш учун кейинги йили князь дружинасини уларнинг устига юборди. Қадимги анъанага кўра, юришга кетаётган қўшинни князнинг ўзи бошқариши лозим эди. Шунинг учун она сути оғзидан кетмаган Святослав 4 ёшидаёқ тажрибали жангчи Свенельд «қўйнида» ҳарбий юришда иштирок этди. Қабила қўшинлари тормор қилиниб, уларнинг шаҳри ёндириб юборилди.

964 йили Хазар ҳоқонига ўлпон тўлайдиган славян қабилалари ерига князь Святослав ўзининг биринчи юришини бошлади. Бу қабилалар Ока ва Волга дарёлари орасидаги ўрмонзорларда яшардилар. Святослав куч ёрдамида ниятига эришди. Энди бу қабилалар хазарларга ўлпон тўламай Киевга бўйсундилар.

Туркийларнинг Хазар ҳоқонлиги ўша даврларда Шимолий Кавказ, Азов бўйлари, Дон чўллари ҳудудларини эгаллаб, руслар учун катта хавф туғдирарди.

Рус қўшинларининг хазарлар билан асосий тўқнашуви Волга дарёсининг қуйи қисмида – ҳоқонлик пойтахти Итиль шаҳри яқинида бўлиб ўтди. Охир-оқибат хазарлар пойтахтлари томон қочишга мажбур бўлдилар.

Шундан сўнг Святослав Семендер шаҳрини, Шимолий Кавказ тоғ ёнбағирларидаги қалъаларни босиб олди, бир қанча рақиб қўшинларини тор-мор қилди. Ҳоқонликдан фақатгина Дон дарёси яқинидаги Саркел қалъасига жойлашган кичик бир қисмигина қолган эди.

Саркел қалъасига Византия усталари ясаб берган нарвонлар, дарвоза бузувчи қурилмалар, катапультлар ёрдамида ҳужум қилинди. Қалъа атрофидаги чоҳ тупроқ, шох-шабба ва бошқа нарсалар билан тўлдирилди. Руслар ҳужумга ўтганида, минглаб камончилар қалъа тарафга ўқ ёмғирини ёғдирдилар. Саркел бутунлай вайрон қилинди.

Князь Святослав шон-шуҳрат ва катта ўлжа билан Киевга қайтди (бу ерда унинг номидан онаси Ольга ҳукмронлик қилаётган эди). У энди қудратли Византия империясига қарши уруш бошлашни режалаштирди. Киевда бошланган ҳарбий тайёргарликлар ҳеч ким учун сир эмасди. Византия императори руслардан совғалар ҳисобига қутулиб қолишга қарор қилди ва 450 килограммга яқин олтинни элчилари орқали жўнатди. Элчиларнинг бу дипломатик ташрифи рус қўшинларини Дунай қирғоқларига, Болгария ерларига йўналтиришдан иборат эди.

Святослав 967 йили Дунай қирғоқлари бўйлаб юришини бошлади, болгарлар учун рус қўшинларининг пайдо бўлиши кутилмаган ҳодиса бўлди. Биринчи жангнинг ўзиёқ русларга ғалаба келтирди. Болгарлар руслар билан жанг қилишга бошқа ботина олмадилар ва қисқа вақт ичида князь қўшинлари бутун Ғарбий Болгарияни босиб олди.

Святослав қўшини билан Болгария ерларида юрган вақтда Византиянинг пинҳона элчилари чўлдаги қабила бошлиқларини олтин ва турли ваъдалар ёрдамида Киевга ҳужум қилишга кўндирдилар. Бундан хабар топган Святослав қўшини билан Дунай, Қора денгиз ва Днепр бўйлаб дарҳол Киев томонга юрди. Русларнинг бунчалик тез пайдо бўлишларини кўчманчи қабилалар кутмаган эди. Улар учун хавф яна шунда эдики, князь Святослав уларнинг жанг тактикасини жуда яхши биларди.

Святослав қўшини Киевга ғалаба билан кириб келди. Лекин энди Болгариядан ташвишли хабарлар кела бошлади. Болгарияга биринчи юриш натижалари барбод бўлиш хавфи туғилди. У онасининг ўлимидан сўнг, 969 йили яна қўшини билан Дунай қирғоқларига келди. Унга болгар дружиналари, венгрларнинг енгил отлиқлари қўшилди.

Византия империяси Святославга қарши урушга тайёрланаётганидан хабар топган Святославнинг ўзи юриш бошлаб 970 йилнинг баҳорида болгар ерларидан ва Болқон тоғларидан ўтиб, Аркадиополь шаҳри яқинида византияликлар билан биринчи жангга кирди. Император қўшини катта талафот кўрди.

Император Святославга катта ўлпон тўлаш билан уни бир оз чалғитди. Византия империяси янги урушга кириш учун вақтинчалик тинчликка эришди.

971 йилнинг баҳорида император қўшини билан русларга қарши юришини бошлади. Тош отувчи машиналар ёрдамида катта-катта тошлар, ёнувчи аралашмалар ёғдириб, Болгария пойтахти Переслав забт этилди. Руслар ўрнашиб олган Доростола қалъаси қамал қилинди.

Қамал вақтида Святослав бир неча бор қўшинини майдонга олиб чиқиб жанг қилди. Византияликлар тош, тўсин, оғир найзалар, ёнувчи аралашмали хумларни узоқ масофага отувчи катапультали араваларини келтирдилар.

Святослав охирги жангга чиққанида, унинг буйруғисиз ҳеч ким қалъага қайтиб чекинмаслиги учун, ортидан дарвозаларни беркитиб қўйишга буйруқ берди. Русларнинг зарбалари шунчалик кучли бўлдики, византияликлар ортга чекина бошладилар. Лекин кутилмаганда – момоқалдироқ янграб, кучли шамол эсиб қаттиқ жала қуя бошлагач жанг тўхтади. Руслар орқага қайтиб қалъага кирдилар.

Эртаси куни Святослав Византия императори билан музокара бошлади. Руслар ўзаро келишувга биноан Болгарияни ташлаб, ортга қайтишга рози бўлдилар. Бироқ Византия императори жангари туркийларнинг бир уруғи бўлмиш кўчманчи печенеглар олдига ўз элчисини юбориб, уларнинг бошлиқларини катта ҳақ эвазига Русияга қайтаётган Святославга ҳужум қилишга кўндирди.

972 йилнинг баҳорида Днепр остоналарида рус армияси печенеглар қўшини билан тўқнашди. Жанг тафсилотлари аниқ эмас, лекин шуниси маълумки, бу муҳорабада Святослав ва унинг бутун дружинаси ҳалок бўлди.

Подполковник Абдуқодир АБДУЖАМИЛОВ.

КИНО ОЛАМИДА

НИҚОБ



Ҳасан ва Ҳусан исмли эгизаклар тақдиридан ҳикоя қилувчи мазкур янги фильм «Наво-медия фильм» студиясида тасвирга туширилди. Режиссёр Бурхон Шаропов ушбу картинасида комедия жанрига мурожаат қилган. Унинг аввалги фильмлари бўлмиш «Жоним сени, ёхуд эгизаклар» ва «Севги – бу ҳаёт» мелодрама жанрида яратилганидан кўпчиликнинг хабари бўлса керак. Мазкур картиналарда ҳам режиссёр муваффақиятли комик эпизодларни қўллаган эди. Энди эса унинг навбатдаги иши тўлалигича комедия жанрида яратилган.

– Бир йўналишда одимлаётган ўзбек кинофильмларида янги мавзуни ёритишга ҳаракат қилдим, – дейди фильм режиссёри Б.Шаропов. – Бунинг учун эса атрофимиздаги воқеаларнинг ўзи етарли. Дарҳақиқат, томошабинни кулдириш учун фильм қаҳрамонининг ўзи кулиши шарт эмас. Унинг гап-сўзлари, тушиб қолган вазияти ёки характерининг ўзи томошабинга табассум ҳадя қилади. «Ниқоб» картинасида эса бу ҳолатни кузатишимиз мумкин.

«Ниқоб» фильмининг комик жиҳатлари янада бой бўлиши учун ҳам эгизаклардан фойдаланилмоқда. Бир тасаввур қилиб кўринг, бир-бирига ўхшаш чеҳралар сабаб, бир қанча кулгили воқеалар юзага келиши мумкин. Бу икки қаҳрамон образини гавдалантириш Шароф Муқимов учун осон кечмагани аниқ.

Бундан ташқари янги картинада эл суйган санъаткорлар Клара Жалилова, Мурод Ражабов, Мэлис Абзаловлардан ташқари, ёш актёрларнинг ҳам иштирокини кўриш мумкин. Санжар Шодиев, Жамила Ғофурова шулар сирасига киради.

– Мени ушбу фильмга таклиф қилишганидан ниҳоятда хурсандман, – дейди Жамила Ғофурова. – Янгича талқиндаги картинада кичик роль ижро этган бўлсам-да, бу ерда кўп нарсаларни ўргандим. Тажрибали актёрлардан сабоқ олдим.

«Ниқоб» картинасининг суратга олиш ишлари айни пайтда деярли якунига етди, десак ҳам бўлади. Комедия жанридаги мазкур фильмни тез кунларда катта экранларда томоша қиламиз.

Холида БЕКНАЗАРОВА.

БОЛАЛИКНИНГ ЁЛҒИЗ ЁДГОРИ

(ҳикоя)



Мактаб боғи жуда қартайиб, тўзиб кетган, бир вақтлар ғоят сўлим бўлган бу маскандан салқин сарҳовуз ва қари толларгина қолганди. Шунга қарамай, улар ўрта мактабни битирганликларининг ўттиз йиллиги оқшомини шу сарҳовузда ўтказишга қарор қилдилар ва бу кўпчилик собиқ синфдошларга маъқул бўлди.

Кечга томон электр чироқлари порлагач, ҳовуз бўйи гавжумлашиб қолди. Собиқ ўқитувчилар, синфдошлар 4-5 кишидан бўлиб олиб, суҳбатлаша бошладилар. Давра ташкилотчиларининг эса қўлларига-қўлларига тегмас, стол-стул, идиш-товоқ ташувчилар тинмай елиб-югуришар, атрофда аллақандай енгил, хушҳол ғала-ғовур ҳукмрон эди.

Жамол учрашувга жуфт-жуфт бўлиб келган синфдошлари билан бирма-бир кўришар экан, ўзини тетик ва ҳушчақчақ тутишга ҳарчанд уринмасин, таъби хиралиги чеҳрасидан билиниб турарди.

Жамолнинг учрашувга бирга бориш тўғрисидаги таклифини эшитган хотини тўнғиллаб тескари кийди. Бўлмаса ўзи гап-гаштак деса, томдан ташлашга тайёр. «Сизнинг синфдошларингиз экан, сиз бораверинг, менинг кўзим учиб тургани йўқ. Мен борсам, неваралариимизнинг туққан оналари бор. Ўзлари қарайверади. Бир кеча – минг кеча эмас-ку ахир?..» «Туққан оналари бор» эмиш... Э-э, келинларингиз бола-боқишини билармиди?..» сўзида туриб олди хотини. «Сайқал сар», – аччиқланди Жамол ва машинасини шошилинч ўт олдириб, жунаб қолди. У ҳали ташкилотчилар топшириғига биноан дастурхон учун бозордан гул-буғ харид қилиши керак эди.

...Жамол хаёллари билан банд экан, мактабнинг собиқ директори, 70 ни қоралаган бўлса-да, ҳамон кўркам ва тетик Собир ака микрофонни қўлига олиб, секин «пуф-пуф»лади, кўл ишораси билан ғала-ғовурни босиб, сўз бошлади:

– Болаларим, бугун сиз, болалигингизга қайтиш учун, ўша ажойиб фасл билан учрашиш учун бу ерга тўпландингиз. Сизларни болаларим, дейиш маъзур тутгайсизлар, чунки ҳозир аксариятингиз неваралик бўлдингиз. Сиз гарчанд болалик аталмиш салтанатдан 30-40 йил узоқлашиб кетган, бўлсангизда, мен учун ҳам, ана шу мен сингари қартайган мактаб учун ҳам боласиз, бола бўлиб қоласиз, – директор тўлқинланиб гапирар, овози титраб чиқарди. У ёшлигида жуда қаттиққўл, чўрткесар эди. Лекин ўқувчилар уни мард, адолатли бўлгани учун яхши кўрар, ҳурмат қилар ва бу ҳурмат битирувчилар кўнглида ҳамон сақланиб қолган эди. Шу боис улар ўқитувчилари сўзларини жон қулоқлари билан тингламоқда эдилар.

Жамол синфдошларини зимдан қузатарди. Қаранг, Ҳанифанинг сочлариям худди Жамолники сингари оқариб кетибди...Нафиса эса ҳамон сулув, ҳамон кўркам. У ўша ўн етти ёшидан унчалик узоқлашмаган, орадан кечган ўттиз йилнинг қувонч-ташвишлари гўё уни четлаб ўтгандай... Қадрдоним Карим эса ўзини анча олдириб қўйибди. Ҳа, кейинги йилларда у бечора анча балоларни бошидан кечирди...

– Жамол, – уни тирсаги билан туртди Абдужаббор, – қулоқ солсангчи, директор гапиряптилар.

Жамол ҳамон тўлқинланиб сўзлаётган Собир ака томонга юзланди.

– Энди азиз шогирдларим, дўстларим, мени яна бир карра маъзур тутсангизлар, бир таклифим бор. Яқинда сизларни 1-синфда ўқитган, саводхон қилган муаллимингиз Боқиев вафот этдилар. Буни айримларингиз биласиз, айримларингиз – йўқ, таъзия маросимида кўпчилигингизга кўзим тушмади... Энди, турмуш ташвишлари дегандек...Майли, зарари йўқ. Раҳматлик жуда кечиримли, беозор одам эдилар. Оллоҳ у кишига фарзанд адо этмаган бўлсада, барча ўқувчиларини «болам» дея ардоқлардилар. Буни ҳаммангиз яхши биласиз. Шу кишининг хотиралари учун бир дақиқа сукут сақласак...

Ҳамма «гурр» этиб ўрнидан қўзғолди. Жамол ўрнидан турар экан, қалқиб кетди, кўзи жиққа ёшга тўлди. Боқиевнинг нимжон, жиккакгина гавдаси, сўлғин чеҳраси кўз ўнгида намоён бўлди. «Эҳ, хом сут эмган банда, ахир сен, таъзия хабарини эшитган эдинг-ку! Наҳот, собиқ муаллиминг қабрига бир сиқимгина тупроқ ташлашга вақт тополмадинг?!»

Ҳамма ўз ўрнига ўтирди. Собир ака эса қўлида микрофон билан Жамоллар томонга кела бошлади. Абдужаббор яна тирсаги билан Жамолни туртди.

– Ҳой Абдужаббор, – деди паришон ўтирган Жамол, – шу оқшом биқинимдан дарча очишинг тайин!

– Дарча эмиш, – тўнғиллади Абдужаббор, – сен домланинг гапига қулоқ сол, анграймай!

Жамол диққатини бир ерга жамлади.

– Даврабошо, яъни косагул этиб ҳурматли шогирдимиз Жамолжонни сайласак? Қаршилар йўқми? Бўлмаса қарсак чалиб, тасдиқлаб беришларингизни сўрайман. Раҳмат. Адолатли қарор бўлди, менимча. Чунки Жамолжон ўн йил мобайнида синфбоши эдида! – Собир ака жилмайганича унга микрофонни узатиб турарди.

Жамол довдираб қолди. Лекин энди қаршилик кўрсатиш бефойда, ҳамма директор таклифини маъқуллаб, тўхтовсиз қарсак чалмоқда, Абдужаббор ҳам оғзи қулоқ-чаккасида, уни ўрнидан туришга ундарди.

У домласининг истиқболига юриб, тавозе билан микрофонни олди. Тўпланганларга қарата шундай деди:

– Даврани олиб боришга фақатгина бир шарт билан розиман. Мен айрим синфдошларимга ҳазил қилсам, турмуш ўртоқлари, меҳмонлар кўнгилларига олишмасин. 30 йилда бир учрашган эканмиз, андаккина ҳазил-мутойиба қилишга ҳаққимиз бор, деб ўйлайман, – собиқ синфдошлар унинг сўзларини қийчув, қарсаклар билан қувватлашди.

Ҳамма аллақандай шод-масрур эди, бу шодлик сабабини фақатгина дийдорлашувдан деб бўлмасди, чунки, даврадагиларнинг аксарияти бир-бирлари билан онда-сонда бўлса-да, учрашиб туришарди. Хурсандчиликнинг асосий боиси – ҳамма болалигига қайтган, қайтишни истаганди. Болаликнинг ёлғиз ёдгори – қартайган боғ уларга кўп нарсаларни – эҳтимол, биринчи муҳаббатни, илк бўсани эслатган, хуллас, юракнинг туб-тубида бўладиган, юзи кул босган чўққа ўхшаб қолган туйғуларни қўзғотган, жунбушга келтирганди. Аслида болаликнинг ёлғиз ёдгори ҳам шу хотираларгина эди, холос...

(Давоми бор).

Жўра ФОЗИЛ.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3720. **Адади** 25600.